Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

MA'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1995 йил 8 ноябрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | 44 (6690)

Пойтахтимиздаги 24-урта мактабнинг география фани ўқитувчиси Муяссар Самадова фидойи муаллималардан бири. У мана бир неча йилдирки, ўз мутахассислиги буйича ўғил-қизларга таълим беради, шу соҳа кетидан рўзгор тебратади.

Тасвирда: Муяссар Самадова 7-синф ўқувчиларига сабоқ бераяпти.

Р. АЛЬБЕКОВ суратга олган.

Кеча Қўқонда «Йил ўқитувчиси — 95» республика кўрик-танлови якунланди. Қизғин ўтган беллашувларда 14 сара муаллимнинг энг сараси аниқланди.

Кўрик-танлов ҳақидаги мақолани газетамизнинг навбатдаги сонида ўқийсиз.

Халқ таълими ва ҳокимият

НИЯТИМИЗ ЁРУҒ

Туман ҳокимияти маълум ҳудуд аҳолисининг ташвиши билан «яшайдиган» расмий идора. Қандайки масала бўлмасин, туман ҳокимияти шуғулланади ва ҳал қилади. Зеро, маҳаллий ҳокимият вазифаларни белгилаб, уларнинг бажарилишини таъминлайди. Давлат сиёсатининг бажарилишини қўллаб-қувватлайдиган бундай идоралар Узбекистонда 100 дан зиёд.

Қўшработ тумани Самарқанд вилояти марказидан сал кам 100 километр нарида. Қишлоқлару дашту далаларда, ўнгирларда кўзга ташланади. Иштихон, Нурота, Пойариқ туманлари билан чегарадош. Хуторлар ҳам анчагина. Уйлардан фарқли ўлароқ, мактаб бинолари оқланган ва чегарага олинган. Дашт шароитида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдан ташқари, халқ таълими муассасаларини бошқариш ҳам анча мушкулликлар туғдиради. Сабаби, масофалар олис, мактабларнинг аксарияти ночор аҳволда. Лекин шунга қарамай, туман ҳокимияти мактаб-маориф ишига асосий вазифалардан бири сифатида қарамоқда. Туман ҳокими Мансур ҚУШБОЕВ билан мулоқотимизда ана шу хусусда гап борди.

— Мансур ака, ҳокимликка сайланганингизда, халқ таълимидаги муаммолар ойнадаги доғдек кўриниб, сизни андак чўчитиб қўймадими?

— Қийинликка қийин бўлиб туюлди. Тўғрисини айтсам, ҳануз калаванинг учини тополмаётганга ўхшайман. Муаммолар бир-бирига боғлиқ равишда чигаллашиб ётибди. Ечиш керак, кучимиз етмаганини вилоят орқали ҳаллаймиз.

— Гапингизни бўлдим. Ривожланган давлатларда, хусусан, Японияда халқ таълимига жуда кўп маблағ ажратилар экан...

— Тушунарли . Масалага умумдавлат нуқтаи назаридан ёндашганда, тўғрисини айтиш керак, бизда халқ таълимига ажратилаётган маблағлар эҳтиёжга нисбатан кам. Давлатимиз эндигина оёққа туриб келмоқда. Япония даражасига етишимизга маълум вақт керак. Ҳозирча мактабларимизнинг аксарияти мослаштирилган бинолларда жойлаштирилган. Туманимиз ихтиёрида 76 та мактаб, 18 та мактабгача тарбия муассасаси, 2 та мактабдан ташқари муассаса, 1 та ҳунар лицейи, спорт мактаби бор.

Қўшработ — Самарқанд вилоятидаги чекка туманлардан. Бироқ шунга қарамай, биз имкон қадар мактабларимизнинг моддий-ўқув базасини мустаҳкамлаш чораларини излаяпмиз. Шу йил вилоят молия бошқармаси томонидан туман халқ таълими муассасаларига ўтган йилдагидан анча кўп маблағ ажратилди. Албатта, ҳар томонга тортқилаганда, бу маблағ етарли бўлмаслиги мумкин. Лекин озни оз демай, ишлашга ўрганишимиз керак. Туманда иқтисодий ислоҳотларнинг қадамба-қадам амалга оширилиши маданий ҳаётга ҳам таъсир қилади.

— Қўшработда давлат режалари, бюортмаларини бажариш қай даражада?

— Ҳамма нарса бир-бири билан узвий боғлиқ. Ғаллачилик, чорвачилик, боғдорчилик — асосий тармоғимиз. Туман ўз қаддини энди тикламоқда. Барча соҳаларни хусусийлаштиришга эътибор қаратиляпти. Узбекистонда ғалла мустақиллигини таъминлашга озмикўпми улушимизни қўшдик, деб ҳисоблайман. Яъни 2 минг тонна ўрнига 7 минг тонна дон етиштирилди. Иқтисодчи бўлганим учун ҳар бир масалага давлат режаларининг бажарилиши нуқтаи назаридан қарайман. Очиғи, ҳали Қўшработда, хусусан, халқ таълими соҳасида ўйлаган режаларимиз амалга оширилганича йўқ. Фақат 10 та авария ҳолатидаги мактабнинг янги биноларга кўчирилганини, 600 ўринли қўшимча бинолар қурилишини ҳисобга олмаганда, ўқитувчиларни, ўқувчиларни қувонтирадиган бошқа катта янгиликлар яратмадик.

— Фикрингизни ўқдим, ижодкорлик, янгилик нафаси мактабларнинг ўзида ҳам сезилиб туриши керак, демоқчисиз-да. Бу ёғи, албатта, бошқа масала. Сиз арқонни беҳад узун ташлайдиган раҳбар кўринасиз. Мактабларни таъмирлаш, уларга юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар сотиб олиш, ўқув қўлланмалари билан таъминлаш ҳақида сўрамоқчи эдим.

— Тўғри. Туман ҳудудидаги мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳақида ўйламасдан бўлмайди. Жорий таъмир ишлари ҳар йили амалга оширилади. Шу мақсадда бу йил 280 минг сўм сарфланди. Мактаб биноларини оқлаш, жиҳозларни созлаш, бўяш ва ҳоказо жараёнларга бу маблағ амаллаб тақсимланди. Юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар сотиб олиш учун ажратилган маблағ 188 минг сўм эди. Бу пул ҳам жой-жойига сарфланди. Ўқув қуроллари сотиб олиш ва расамади қилиб тақсимлаш масаласи билан туман халқ таълими бўлими шуғулланди. 90 минг сўмдан зиёдроқ маблағ ўқув қуроллари сотиб олишга харжланган.

— Мажлисбозликни қоралашади. Аслида мажлислар ҳар бир соҳага аниқлик киритади, ойдинлаштиради. Унда қарорлар қабул қилинади. Демак, янги қадамлар ташлашга ҳаракат бошланади. Туман ҳокимиятининг мажлисларида халқ таълими билан боғлиқ масалалар кўриладими?

— Лоф эмас, мактаб ҳаёти билан боғлиқ масалаларни деярлик ҳар бир мажлисимизда кўриб чиқамиз, муҳокама қиламиз, тегишли идорага зарурий вазифаларни юклаймиз. Ҳокимиятга арзу шикоят билан келган қишлоқ муаллимларининг талаб-истаклари қайд қилинади ва амалий ёрдам кўрсатилади. Президентимизнинг фармонига асосан 69 нафар ўқитувчига давлат уйлари шахсий қилиб, расмийлаштириб берилди. 81 нафар муаллимга уй қуриш учун ер майдонлари ажратилди. Ўқитувчиларни бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий ҳимоялаш масаласи билан қишлоқ фуқаролар қўмитаси шуғулланмоқда. Беш ва ўндан ортиқ фарзанди бўлган ўқитувчилар кам таъминланган оилаларга кўрсатилаётган моддий ёрдамдан бахраманд бўлишяпти. Курорт-санаторийларда дам олиш масаласига келганда, тўғриси, мақтаномаймиз. Йўлланмаларнинг нархи қиммат. Ўқитувчи уни сотиб олишга қийналади. Қишлоқ зиёлисининг меҳнат таътили одатда уйда бино қуриш, туй-ҳашам билан ўтиб кетади. Улар шуни афзал кўришади. Буям қандайдир ҳаммамиз кўникиб қолган манзара бўлгани учун нимаям деймиз? Ўқитувчи ўзи билганидай ва хоҳлаганидай умр кечирсин-да.

— Вазифалар кўп денг...

— Сўзимнинг бошида ҳам айтгандим, вазифалар шунчалик кўпки, бир томонини эпласангиз, иккинчи бир кемтик чиқиб туради. Имкониятлар эса кўп эмас. Аммо қўл қовуштириб ўтираверсак, ҳеч нарсага эришолмаслигимиз тайин гап. Бутун куч, жамийки тадбирлар ҳозирги авлодни соғлом, бақувват, иймонли, диёнатли қилиб тарбиялашга қаратилиши керак. Шу ўринда туман ҳокимияти ўз ҳудудидаги халқ таълими муассасалари ишини замон талабларига мослаш йўлларини излаяпти. Зеро, имкониятлар ахтарилса, топилади. Юқорида таъкидлаганимдек, етмаган маблағлар ҳам ана шу имкониятлар тагида ётган бўлса ажаб эмас.

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА
суҳбатлашди.

МАҚСАДИМИЗ — ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК, ҲАМКОРЛИК

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон телевидениеси мухбирининг саволларига жавоблари

МУХБИР: — Муҳтарам Президент! Сиз бошчилигингиздаги Узбекистон делегацияси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 50 йиллиги муносабати билан ўтказилган сессияда иштирок этиб қайтди. Бу муътабар халқаро ташкилот минбаридан туриб нутқ сўзладингиз. Илтимос, дастлабки таассуротларингиз билан ўртоқлашсангиз.

ПРЕЗИДЕНТ: — Узбекистон Республикаси делегациясининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг катта тўйига — 50 йиллик юбилейига таклиф қилиниши давлатимиз жаҳондаги энг нуфузли ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида тан олинганини яна бир карра тасдиқлайди.

Ушбу анжуман кун тартибига асосан иккита масала қўйилган эди. Биринчидан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 50 йил давомида амалга оширган ишларга баҳо бериш; иккинчидан, бу ташкилотнинг бугунги фаолиятига замон нуқтаи назаридан қараш, уни ҳозирги халқаро ҳаёт талабларига мувофиқлаштириш.

Маълумки, бугунги кун 50 йил олдинги ҳаётдан тубдан фарқ қилади. Башарият, халқлар тараққиёти, давлатлар ривожи, умуман бугунги вазият бундан ярим аср аввалги — Иккинчи жаҳон уруши тугаган даврдагидан жуда ўзгариб кетди. Ҳозирги замон талаби ҳам бошқача. Шунинг учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳуқуқларини кенгайтириш, бугунги ҳаётга, халқлар ривожига ҳар томонлама кўмаклашиш, урушга қарши курашни кучайтириш, умуман барқарорликни сақлаш, умумбашарий масалаларни ҳал этишдаги имкониятларини кенгайтириш асосида унинг таркибини ўзгартириш керак. Бирлашган Миллатлар Ташкилотига бошқача кўз билан қараш, уни бугунги замонга, шароит ва тизимга мувофиқлаштириш вақти етди.

Шунинг учун анжуманда сўзга чиққан ҳар бир давлат раҳбари авваламбор шу икки масалага алоҳида эътибор берди. Утган эллик йил давомида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти учинчи жаҳон урушининг олдини олиш, айрим минтақаларда пайдо бўлаётган ўзаро низоларни бартараф этиш, очарчиликка қарши кураш, ривожланаётган давлатларга ёрдам уюштириш каби салмоқли ишларни амалга оширди.

Бу ўринда касалликларга қарши кураш ҳақида гапириб ўтирмасак ҳам бўлади.

Мисол учун Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотини олайлик. Бу ташкилот ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бир бўлагидир. Кўпчилик эса «Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти» деганда қандайдир мустақил халқаро тузилмани тушунади. Аслида эса, бундай эмас, бу ташкилот Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимига киради. Шунинг учун ҳам касалликларга, хусусан сурункали ва юқумли касалликларга қарши кураш бугунги кунда БМТ фаолиятидаги муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Мен ҳали маданиятни ошириш, саводсизларни саводхон қилиш, кишиларнинг жаҳон цивилизацияси қадриятларидан бахраманд бўлишини таъминлаш тўғрисида гапираётганим йўқ.

БМТнинг асосий вазифасига қисқача тавсиф берилса, мен уни халқлар уртасидаги аҳиллikни таъминлаш, турли қарама-қаршиликлар, тўқнашувларга олиб келадиган низоларга йўл қўймасликдан иборат, деган бўлур эдим. Шунинг учун ҳам бизнинг Нью-Йоркда айтадиган гапларимиз етарли эди. Бу нуфузли халқаро ташкилот фаолиятига танқидий қараш ҳам ўзини тўла оқлади.

Жуда кўп давлатлар раҳбарларининг нутқида масалага фалсафий ёндашув бор эди. Ҳар бир нотиқ учун ажратилган беш дақиқа ичида кўп гапни айтиб бўлмайди. Бироқ, менимча, айрим нотиқлар нутқида, БМТ тизими ва фаолият йўналишида нималарни ва қандай қилиб ўзгартириш лозимлиги ҳақидаги ўта мавҳум фалсафабозлик устун эди.

Шунинг учун ҳам, бу йиғин байрам сифатида қандай ўтгани тўғрисида гапириш қанчалик тўғри булади, айтишим қийин. Мен у ерда байрамга оид бирон нарса кўрганим йўқ. Учрашувга асосан битта мақсад — ўтган даврга якун ясаш ва БМТ фаолиятини танқидий назар билан таҳлил этиш, бу ташкилотнинг келажагига боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш билан банд бўлган раҳбарлар йиғилишди. Дарвоқе, бу масала бўйича нуқтаи назар ва ёндашувлар шу қадар кўп эдики, уларни маълум бир доираларга жойлаштириш қийин. Бу ўта масъулият билан қараш лозим булган жиддий муаммодир.

Шу нарса кўзга яққол ташландики, анжуман минбаридан туриб сўзлаган ҳар бир нотиқ бу муаммолар хусусида ўз мамлакатининг келажакдаги манфаатлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб сўз юритди. Дунё эса, гарчи у яхлит бўлса-да, узининг объектив қонунлари буйича яшайди. Сайёрамизнинг бир нуқтасида пайдо бўлган уруш эртага унинг нариги томонида алангаланиши мумкин, вабо офати эса жуда қисқа муддат ичида ўз манбаидан юзлаб, минглаб километрларга тарқалишга қодир. Очлик тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин... Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ана шундай фалокат ва ҳалокатларнинг олдини олиш мақсадида ташкил этилган эди.

Бироқ қанча давлат бўлса, шунча фикр-мулоҳаза ҳам булади. Шунинг учун ҳам, Африка қитъаси вакиллари ўзларига хос, осиёликлар — бошқачароқ фикр қилади. Америкаликларнинг ўз ёндашувлари, европаликларнинг ўз ёндашувлари бор, шимол мамлакатлари ўзларининг бошқача фикрига эга. Хуллас, бу ерда қанча давлат бўлса, шунча нуқтаи назар мавжудлиги ойнадагидай акс этиб турибди.

Олам бугунги кунда қитъа манфаатлари бўйича эмас, қайси мамлакат кимнинг таъсири остида экани бўйича бўлинган. Биз илгари икки қутблик дунё ҳақида гапирар эдик, бугунги кунда эса кўп қутблик дунё тўғрисида фикр юритиш лозим булади. Шуни ҳам айтиш керакки, айримлар тўртта қутб, бошқалар бешта қутб ҳақида гапиради... Бироқ, ўзидан йириқроқ ва кучлироқ давлатдан ёрдам олаётган ва уларнинг қўллаб-қувватлашидан бахраманд бўлаётган мамлакатлар ўз истиқболини ҳам шу давлатдан кўриши (гарчи ҳеч ким бу тўғрида ошкора гапирмаса-да) сир эмаску. Бу давлатлар маълум гуруҳларга бўлинади. Уларнинг ҳар бири қитъа фикрини эмас, афсуски, маълум қутб таъсири остидаги муайян гуруҳ фикрини ифода қилади. Содда қилиб айтадиган бўлсак, бу — металл буюмларни узига чиппа тортиб оладиган магнит ҳаракатига ўхшайди.

Нотиқлар БМТ олдида турган вазифаларга ҳам ўз муносабатларини билдирдилар.

Ушбу нуфузли мажлисда қатнашган Узбекистон делегациясининг асосий фикри шундай эди: БМТнинг 50 йил мобайнидаги ишларини ҳар томонлама баҳолаш учун мазкур анжуманнинг имкониятлари катта. Иккинчидан, БМТ фаолиятининг ҳозирги даврга мутаносиблиги тўғрисида матбуотда кўп ва хилма-хил фикрлар билдириляпти. Шунинг учун бизга ажратилган беш минутлик вақт мобайнида мен Узбекистоннинг бугунги асосий муаммолари — нафақат Узбекистон, балки Марказий Осиёда, Туркистон заминида яшаётган халқларнинг ҳаёти, тақдири, келажаги ҳар томонлама чамбарчас боғланганини инобатга олиб — шу минтақанинг дардлари тўғрисида, муаммолари тўғрисида гапиришни мақсад қилиб қўйган эдим. Уйлайманки, шу ниятимга эришдим.

МУХБИР: — Ҳозирги пайтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолиятига ҳар хил қарашлар, ёндашувлар мавжуд. Сиз бу халқаро ташкилотнинг келажагини қандай тасаввур этасиз.

ПРЕЗИДЕНТ: — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фаолиятини қандай қилиб ривожлантириш, бу борадаги муаммоларни қандай ечиш керак деган масала юзасидан мен уч нуқтага анжуман иштирокчиларининг эътиборини қаратдим.

Биринчи масала: Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолиятининг асосини Хавфсизлик Кенгаши белгилайди. Хавфсизлик Кенгашига 5 та давлат доимий аъзо ҳисобланади. Ҳозирги пайтда 187 та давлат БМТга аъзо булса-ю, уларнинг ҳаёт-мамотини 5 та давлат ҳал қилиши, албатта, адолатдан эмас. Шунинг учун Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари сафини кенгайтириш масаласини қўйдик.

Яна бир масалага эътибор бериш керак: Япония ва Германия ўз салоҳияти билан бизга катта ёрдам бераётган, тараққиёт даражасига кўра дунё ҳаётига кучли таъсир кўрсата оладиган давлатлар сирасига киради. Улар жуда катта имкониятларга эга. Японияннинг охирги икки-уч йилда Узбекистонга берган бегараз, такрор айтаман, бегараз ёрдамини, Узбекистонга каттакатта сармоялар олиб келаётганини ҳаммамиз яхши биламиз. Япония мамлакатимизга сармоя олиб келиш билангина чекланиб қолаётгани йўқ. Мана, Оролбуйи муаммоларини ҳал қилиш учун ҳам сидқидилдан ёрдам кўрсатмоқда. Маданиятимизни ҳар томонлама юксалтиришга кўмаклашмоқда. Масалан, япониялик дустларимиз Алишер Навоий номидаги опера ва балет театримизга тегишли ёрдам кўрсатдилар. Бунга ўхшаш мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Дунё тарихида ва бугунги мавжуд булган вазиятда қанчадан-қанча давлатлардан олдин кетаётган ва менинг фикримча, XXI асрга ҳозирданоқ қадам қўйган Японияннинг БМТ Хавфсизлик Кенгашига аъзо бўлмаслиги адолатдан эмас.

Шу нуқтаи назардан Германияга — бирлашган Германияга қарасак, унинг қудрати, имкониятлари қандайлигини ва XXI асрга — истиқболга қандай тараққиёт билан қадам қўяётганини аниқ тасаввур этиш мумкин. Германия ҳам Узбекистонга катта ёрдам беряпти. Бу алоқалар келажакда яна ҳам ривожланади. Бу масалада менинг фикрим аниқ: Германия Узбекистон билан ҳамкорликдан жуда манфаатдор, ўз навбатида, Узбекистон ҳам Германия билан ҳамкорлик қилишдан фақат фойда кўради. Манфаатларимизнинг ўзаро мос келиши, бир-бирига уйғунлиги шуни кўрсатяптики, Германия ва Японияга ўхшаган давлатларнинг БМТ Хавфсизлик Кенгашига доимий аъзо булиши бизларга ҳар томонлама наф келтиради.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти жуда катта ташкилот. Жаҳонда юз бераётган воқеаларнинг ҳаммасини назорат қилиш қийин кечмоқда. Кўп жанжаллар — Босния-Герцоговина, Қорабоғ, Тожикистон, Афғонистон, шунингдек, Африка ва Осиёнинг бошқа мамлакатларида бўлаётган можароларни тинчитиш, уларнинг туб сабабларини аниқлаш, уларга таъсир кўрсатиш ғоят мушкул иш. Қарор қабул қилаётганда ўз манфаати йўлида оёғини тираб туриб олган давлатларнинг бошини қовуштириш ҳам ғоят оғир вазифа. Фараз қилинглар, можаро қилаётган иккита давлатни муросаи мадорага келтириш нақадар қийин. Бу ерда эса 187 та давлат бор ва энг ривожланган, кучли-қудратли давлатлар — Америка Қўшма Штатлари, Германия, Франция, Буюк Британия, Хитой, Ҳиндистон, Япония... Ҳар бирининг ўз манфаати бор. Ҳар қайсиси бугунги булаётган можароларга ўз кўзи билан қарайди ва авваломбор ўз манфаатини кўзлаб муносабат билдиради. Шуни ҳисобга олсак, бир қарорга келиш, яъни муаммоларни бир ёқадан бош чиқариб ҳал этиш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тарихида, бугунги халқаро ҳаётда энг муҳим воқеа ҳисобланади.

Шунинг учун менинг иккинчи фикрим шундан иборат бўлдики, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош котиби Бутрос Бутрос Ғолий жаноблари ваколатларини кенгайтириш керак.

Мисол учун оддий бир оилани олиб кўрайлик. Ҳар қайси оилада битта бош бўлиши керак. Битта одам бош бўлмаса, бу оила отбозор булади. Агарки, кенгроқ миқёсда жамоани, қишлоқ ёки туманни, вилоят, минтақа, республикани олсангиз, ягона раҳбар бўлмаса, халқ демократик асосда ваколатини ишониб топширган шу одамга имконият берилмаса, унинг ҳуқуқлари ҳар томонлама жиловлаб ташланса, олижаноб фикрлари, мақсадлари, ҳаракатлари кесиб турилса, бу жамоа, бу кенгаш, бу ташкилот жойида қотиб қолади, унинг ривожини таъминлаш, истиқболга эришиш қийин булади.

Шунинг учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг раҳбари бўлмиш Бош котибнинг ҳуқуқи кенгроқ булиши керак. Албатта, Хавфсизлик Кенгаши, яъни кенгайтирилган таркибдаги Хавфсизлик Кенгаши қарор қабул қилиши лозим. Аммо бу қарорни амалга оширишда, албатта, Бош котибнинг ҳуқуқи анча кенг булиши керак.

Учинчи масала. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бутун дунёда рўй бераётган воқеаларни, бутун жаҳондаги мавжуд вазиятни ўз назоратида ушлаб туриши керак. Лекин ер юзида тахминан 5 миллиард аҳоли яшаётган бўлса, бу вазифани эплаш осон иш эмас. Шунинг учун жойлардаги, минтақалардаги халқаро ташкилотлар, ўзига беш-ўнта давлатларни жамлаган ташкилотлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бевосита раҳбарлигида ва кўмагида иш олиб борсагина уларнинг фаолиятида изчиллик ва тартиб булади. Акс ҳолда бир минтақада узини халқаро ташкилот фараз қилган ҳар бир уюшма ўзича ишлайверса, бу Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фаолиятига, асосий сиёсатига мос келмаса, бундай ҳолат истиқболга, умумий тараққиётга катта салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун бундай ташкилотларнинг фаолиятини бир-бири билан уйғунлаштириш керак.

Масалан, Африкада, Осиёда шундай ташкилотлар мавжуд. Европада — Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, араб давлатларида ислом ташкилотлари, Жанубий-Шарқий Осиёда — Тинч океан минтақаси давлатларининг Кенгаши бор. Мазкур ташкилотларнинг барчаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан уйғун равишда сиёсат олиб бориши керак.

Биз яна бир масалани кўтардик: жойларда БМТнинг ваколатхоналари ишламоқда. Мана, бизда жаноб Холид Малик бошчилигида ваколатхона бор. Ўрни келиб қолгани учун мен мамнуният билан, таъкидламоқчиманки, Холид Малик жаноблари Узбекистонга келиб уч йил ичида бизнинг обрўйимизга обрў қўшишда, бизни дунёга таништиришда ва бизга Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кўмагини олиб келишда жуда катта иш қилди. Уни нафақат Тошкентда, балки Узбекистоннинг олис-олис жойларида ҳам яхши танийдиган бўлиб қолишди. Демоқчиманки, шундай ваколатхоналарнинг имкониятини кенгайтириш, уларни кучайтириш керак.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қаерда? Америкада, Нью-Йоркда жойлашган. Узбекистон қаёқда, Марказий Осиё қаёқда?! Шунинг учун бу ердаги ташкилотнинг таркиби, албатта, кенгроқ булиши керак. Унга ҳам кўпроқ ҳуқуқ бериш ва иқтисодий нуқтаи назардан имкониятларини кенгайтириш керак.

Мен бу учрашувдан олган энг муҳим таассурот — ҳамманинг БМТни ислоҳ қилиш зарурлигини англаб етгани бўлди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бўлмаса, беқарорлик юзага келади, дунё умумий фикрни ишлаб чиқиш имконидан маҳрум булади. БМТ барқарорликни таъминлаш, айрим давлатларнинг умумий меъёрлари доирасини писанд қилмай, узидан кетган раҳбарларининг танобини тортиб қўйиш учун маълум воситаларга, керак бўлган тақдирда эса ҳарбий куч ишлатиш имкониятига эга. Қолаверса, БМТнинг Низоми мавжуд ва бу ҳужжатга имзо чекканлар уни бажаришга мажбур. Шунинг учун ҳам БМТ Низоми унинг аъзолари зиммасига мажбурият юклайди, БМТ Низоми айрим нарсаларни чеклайди, БМТ Низоми зиддиятли вазиятларни бартараф этиш йўлларини таклиф қилади.

МУХБИР: — БМТни ислоҳ қилиш йўлидаги асосий муаммолар, Сизнинг назарингизда, нималардан иборат?

ПРЕЗИДЕНТ: — Катта ташвиш туғдирадиган асосий муаммо — бир-бирига мос келмайдиган фикрлар хилма-хиллиги ва уларнинг кўплигидир. Табиийки, бу нарса қўшимча қийинчиликлар туғдиради. Шунинг учун ҳам, назаримда, БМТни ислоҳ қилиш — узоқ давом этадиган жараён булади. Бу ўринда ҳаммага маъқул тушадиган фармон ёки қарор чиқариб бўлмайди. Бу ислоҳ босқичма-босқич, тадрижий равишда амалга оширилиши керак. Мен бунга қатъий аминман. Инқилоб йўли эса — мулкка ҳам, маънавий дунёга ҳам эга бўлмаган ялангоёқлар йўлидир. Ахир мулк дегани — олтин, пул, уй-жой ва унинг ичидаги бойликкина эмас. Мен бу тушунчага маънавий мулкни ҳам киритаман. Бу мулк моддий мулкка қараганда қимматроқ туради. Шунинг учун ҳам маънавий мулкнинг сифат даражасини кўтариш кўпинча иқтисодий даражани кўтаришдан мураккабдир.

Бироқ, бу тушунчалар бир-бири билан узаро мустаҳкам боғлиқ. Пировардида одамлар яхши яшай бошлайдиган давр — иқтисодий салоҳиятнинг усиши уларнинг маънавий савиясини ҳам кўтаради.

Бу мулоҳазалар — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти олдида турган вазифалар ва муаммоларга дахлдор. Бу масалалар бўйича кўп давлатларнинг раҳбарлари ҳам ўз фикрларини билдирди.

МУХБИР: — Муҳтарам Президент! БМТ минбаридан сўзлаган нутқингизда, жаҳонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг асосий омилларидан бири минтақавий барқарорликка эришишдир, деган ғояни илгари сурдингиз. Илтимос, шу фикрни кенгроқ шарҳлаб берсангиз...

ПРЕЗИДЕНТ: — Мен узимнинг беш минутлик нутқимда Узбекистоннинг муаммоларини кенгроқ ифода этишга ҳаракат қилдим. Мен қўйган биринчи масала бу-Узбекистон жойлашган минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш. Узбекистонда ва шу минтақада яшаётган ҳар қайси оила, ҳар бир инсон шу заминда тинчлик бўлишини хоҳлайди. Кимки юзига фотиҳа тортмасин, тинчлик, омонлик бўлсин, деб тилак тилайди.

Лекин барқарорлик фақат Узбекистоннинг узига боғлиқ эмас. Атрофимизда қанча давлат бор, қанча турли феъллик, турли мақсадлик одам яшаяпти. Афғонистон можароси, Тожикистондаги жанжаллар, узаро тушунмовчиликлар — буларнинг барчаси қанчадан-

(Давоми 2-бетда).

МАҚСАДИМИЗ — ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК, ҲАМКОРЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

қанча муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ҳозир авжи куз, бу ерда пахта теріляпти, бу ёқда галла экилмоқда, мана шу далаларда тақдиримиз ҳал бўляпти. Шундай кунларда эрталаб турib бугун бир Фарғона ёки Хоразмга бориб келсам, эртага Сурхондарё, Қашқадарёга ё ўзимнинг юртимга ўтсам, деҳқонлар билан, ҳамюртлар билан «ҳорма-бор бўл» қилсам деб орзу қиламан-у, афсуски, мана шу ташвишли муаммолардан ортиб бўлмайди.

Олдимизда улкан ва масъулиятли вазифалар турибди.

Ҳарбий соҳа бўйича гоят мураккаб масалаларни ошигич равишда ҳал этиш лозим.

Бу ёқда пул масаласи ҳам бор. Миллий пулимизнинг қадрини кўтариш, унинг ҳар томонлама харид имкониятларини кучайтириш ва шу орқали одамларнинг истиқболини ойдинлаштириш асосий вазифамиздир. Халқаро валюта фонди билан, умуман, халқаро ташкилотлар билан алоқаларни янада кенгайтириш ҳам долзарб ишлардан ҳисобланади.

Узбекистонга кимки келмасин, албатта Президентни кўришни хоҳлайди. Нимага деганда, узоқдан келган одам, албатта, аниқ тасаввурга эга бўлиб, муайян бир кафолат олиб иш кўришга интилади. Бу табиий ҳол. Лекин ҳозир Узбекистонга қанчадан-қанча одам келяпти. Уларнинг ҳар қайсиси билан учрашиш, бунга тайёргарлик кўриш, муҳокама қилинадиган масалаларга эътибор бериш ҳам жуда кўп вақт талаб қилади.

Бошқа ишларни, масалан, қўшниларимиз билан ҳамкорлик қилишни олсак. Илгарилари қўшни республикаларнинг ўзаро муносабатлари Москва орқали ҳал этилар эди.

Агар бирон бир иттифоқдош республикада ёнидаги қўшнисига нисбатан муаммо пайдо бўлса, раҳбарлари югуриб Москвага борарди. Кремль юлдузи остида ўтирган катта раҳбарлар эса бундан фойдаланиб, балки шунга шароит тўғдириб, муаммони ҳал қилган бўларди-ю, аслида икки республика етакчилари ўртасига зимдан адоват уруғини сепиб қўярди. Токи, булар бир-бири билан андармон бўлиб ётсину ягона халоскор ва нажоткори деб Москвани билсин, итоатдан бўйин товламасин!

Бугун энди замон бошқача. Ҳозир арзу дод қилиб ҳеч кимга бормайсан. Агар иккита давлат орасида тушунмовчилик вужудга келган бўлса, бугунги вазиятда албатта узаро тил топишиш керак. Дипломатия деган нарса осон иш эмас экан. Буни уюштириш учун, ташкил қилиш учун жуда кўп уйлаш керак. Узаро тил топишиш, одамларни янги замонга чорлаш, даъват этиш, ҳар томонлама кўндириш, ишонтириш... Одамни мажбуран тазйиқ остида ишлатиш мумкин, бунақаси тарихимизда кўп бўлган. Лекин дўстингни, ҳамкорингни, қўшнингни улуғ мақсадлар йўлида йўлдошлик қилишга кўндириш-жаҳонда энг масъулиятли ва олижаноб юмушдир. Белни маҳкам бойлаб, халқимга бир хизмат қилай, мардлигимни кўрсатай, деган одамларни қуллаб-қувватлашимиз, руҳини кўтаришимиз керак.

Мен нима демоқчиман? Айтмоқчиманки, тинчлик, осойишталик тўғрисида гапирганда, муаммолар олдин бошқачароқ эди. Чегарани қуриқлаш, ҳарбий кучларни таъминлаш, тарбиялаш бизнинг ихтиёримизда эмасди. Энди вазият ўзгарди. Бизни қайси томондан хавф кутаётганини олдиндан билмасак, такрор айтаман, олдиндан билмасак, эртага Узбекистон остонасида тўсатдан хатар пайдо бўлса, аввало, мен жавобгарман. Албатта, бундай кундан Худо асрасин. Асраяпти ҳам! Атрофимизда табиий офатлар, сиёсий можаролар, қонли тўқнашувлардан озмунча одам озор чекяпти, дейсизми. Ахир улар ҳам инсон-ку. Мен халқим номидан, ўз номимдан мингминг шукроналар айтаманки, Худо бизни ўзи асраяпти. Аввало, Оллоҳ таолонинг ўзи бизни паноҳига олган. Ношукрлик қилмасак, шу тинчликнинг қадрига етсак, марра бизники. Хуллас, БМТ минбаридан айтган яна бир гапим шу бўлдики, бугун дунё миқёсида барқарорликка эришиш учун дастлаб минтақаларда барқарорликни таъминлаш керак. Умумбашарий барқарорлик кичкина минтақада тинчликни сақлашдан бошланади.

Яқинда Узбекистонда бўлиб ўтган Марказий Осиёда барқарорлик ва ҳамкорликка бағишланган семинар-кенгашда 31 давлат, шу жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзоларидан 4 таси қатнашди. Кенгашдан чиқарилган асосий хулоса шу бўлдики, аввалambор минтақаларда тинчликни сақлайлик, шу минтақалардаги давлатларнинг бошини қовуштирайлик. Ана шундагина жаҳонда барқарорликни сақлаш мумкин. Босниядаги аҳволдан ҳамманинг хабари бор. Сиёсий барқарорликка эришилмаса, бу ердаги можаро учинчи жаҳон урушига айланиб кетиши ҳеч гап эмас. Бу — биринчидан.

Иккинчидан. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўзланган мақсадга қандай эришиши мумкин? Темирни қизиғида бос, дейдилар. Жанжал кўтарилишини кутмасдан, ҳали ўт чиқмасдан ҳаракат қилиш зарур. Жанжал кўтаридса, инсон қони тўкилса, чақалоқлар ўлдирилса, аёллар, оналар хўрланса, ўзаро меҳр-оқибат йўқолиб, одамларни яраштириш қийин бўлади. Ноҳақ тўкилган қон айниқса Шарқда, мусулмон давлатларида ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Бизларни қизиққон дейишлари бежиз эмас. Иззат-нафсониятимизга жиндак тегиб қўйилса, эртага биз ёниб кетсак, бу алангани ўчириш маҳол бўлади. Бизнинг табиатимиз шундай. Европада, иқлими совуқ жойлардаги совуқижоз одамлар буни тушунмайдилар. Ҳазил бўлиб туюлса ҳам аслида бор ҳақиқат шу.

Учинчи масала. Минтақада юзага келган экологик вазият, Орол фожиаси... Қани, имкон бўлса, шу катта минбардан дунё ҳамжамиятига мурожаат қилишдан асло чарчамасдим: эй одамлар, эй халойиқ, эй жаҳон! Кучли давлатлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари! Бугун биз — узбеклар, қорақалпоқлар, туркманлар, қозоқлар — шу минтақада яшаётган қирқ миллион халқ бошидан кечираётган азоб-уқубатлардан огоҳ бўлинглар. Экологик офат зурриётимизга ҳам таъсир этиб, болаларимиз майиб-мажруҳ туғилаётганини сизлар билишларингиз керак. Бугун биргалашиб олдини олмасак, эртага кеч бўлади — бу офат сизларнинг ҳам шўрингизни қуритиши мумкин. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кучли давлатлар, халқаро ташкилотлардан сармоя ундириб, Орол фожиасини бартараф этишга бош-қош бўлиши, биз билан бақамти ҳаракат қилиши керак.

Бу ерда яна бир масала бор. Мен бу гапларни ўеқда айтганим йўқ. Беш минутда нимани ҳам айтиш мумкин. Қолаверса, андиша қилдим. Ўйингдаги гапни кўчага олиб чиқиш яхши эмас. Мен нима демоқчиман?

Аввало, шу минтақада яшаётган, Орол офатидан бевосита жабрланаётган бешта давлат — Узбекистон, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон, Тожикистон халқлари ва раҳбарлари аҳил бўлишларини истардим. Марказий Осиёда Хавфсизлик ва барқарорликка бағишланган семинар кенгаш кунлари бешта республика раҳбари Орол бўйича бир ёқдан бош чиқариб ҳаракат қилишини мен ниҳоятда хоҳлаган эдим. Чунки шу ҳамфикрлик бўлмаса, биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти вакиллари олдида ким деган одам бўламиз! У ерда Америка Қўшма Штатлари вакиллари ўтирибди, Германия ва бошқа йирик давлатлар вакиллари ўтиришибди. Афсуски, дўстларимиздан бири бу йиғинда иштирок этишни ўзига лозим кўрмади. Орол фожиаси нафақат Узбекистоннинг, балки бутун Марказий Осиёнинг фожиаси эканлигини наҳотки бу дўстимиз тушунмаса?!

Танаси бошқа дард билмас, деган гап бор. Орол офатининг нималигини шу минтақада яшаётганлар, аввало, қорақалпоқлар яхши билишади. Биз меҳмондўст халқмиз. Ким бўлишидан қатъий назар, меҳмонни бошимизга кўтарамиз. Лекин улар ҳам бизни тушунишсин-да. Энди шунчаки Оролни томоша қилиб кетиш, ҳамдардлик билдириш, тавсиялар бериш билан иш битмайди. Энди гап бошқача бўлиши керак. Нияти холис одам бу ерга келганда албатта ўзи билан нимадир олиб келсин, ўзидан нимадир қолдирсин. Оролга оғизда эмас амалда ёрдам берган кишигина инсоний бурчимни бажардим, дея олиши мумкин.

Афғонистонда ўн етти йилдан буён уруш кетяпти. Бундай давомли уруш тарихнинг қайси замонида бўлган — билмадим. Тожикистонда мухолиф кучлар ҳалигача келиша олмаяптилар. Тожикистон халқи, шу жумладан Тожикистонда яшаётган бир ярим миллион ўзбек аҳолиси хавф остида яшаётгани ҳеч кимни лоқайд қолдирмаслиги керак. Бу ута муҳим масала.

Боя Босния-Герцоговинани эсладик. Биз тўғри тушунамиз, Европанинг қоқ ўртасида турган давлатда уруш чиқиши хавфли. Лекин Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Боснияга ажратаётган маблағининг мингдан бир қисмини Афғонистонга, Тожикистонга берса, олам гулистон бўларди. Атрофимиздаги давлат раҳбарлари, сиёсий арбоблар тинчлик тўғрисида чиройлик сўзларни жуда кўп гапиришади. Гўё ҳаммалари тинчлик учун курашаётгандай. Амалий ишга келсак... Аравани қуруқ олиб қочмай, аниқ иш билан шуғулланиш пайти етди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбаридан туриб, мен бир фикрни айтдимки, Узбекистон, Марказий Осиёдаги бошқа давлатлар Афғонистонда тезроқ тинчлик ўрнатилишини хоҳлайдилар. Тинчлик бўлса, автомобиль йўллари, темирйўллар қуриб, биз бу мамлакат орқали Ҳинд океанига чиқишимиз мумкин. Мен шу гапни яна такрорламоқчиман: Ҳинд океанига чиқиш Узбекистон учун муаммолар муаммосидир! Бир фараз қилинг-а: тўрт томонимизга йўл очилди. Темирйўл билан Шимолга чиқдик, Ғарбга чиқдик, Жанубга ҳам чиқдик. Юкларимизни Ҳинд портларидан денгиз, океанлар орқали хоҳлаган томонга ташиб ўзимизга керакли нарсаларни Узбекистонга олиб келдик... Ўеги Япония... Индонезия... Малайзия... Буёқда мусулмон давлатлари, Арабистон дегандай... Орзуга айб йўқ. Худога шукрки, кўп мақсадларимизга эришяпмиз. Агар шу мақсадимизга ҳам эришсак, билмадим... шахсан менинг ҳеч армоним қолмасди. Нега деганда, бу йул нафақат иқтисодий, сиёсий, керак бўлса маънавий аҳамиятга ҳам эга бўлиши турган гап. Бир эслаб кўринг: буюк аждодимиз — саркарда ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур шу йўллардан ўтмаганми? Ҳиротда яна бир улуғ бобомиз — ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг хоки муборакларі бор. Ўша мақбарани бир бора кўзга суртиб тавоф этиш ҳар бир ўзбекнинг армони эмасми?!

Шунинг учун мен БМТ минбаридан айтдимки, бизнинг ниятимиз холис. Афғонистондаги уруш қачон тугаркин деб, илҳақ кутиб турибмиз. Шароит тўғилса, биз йўл қурилишини бошлаб юборишга тайёрмиз. Ушбу лойиҳани молиявий жиҳатдан қуллаб-қувватлайдиган банклар ҳозир жуда кўп. Халқаро банклар миллиард-миллиард пул беришга тайёр. Фақат битта нарса — тинчлик керак. Тамом, бошқа нарса керак эмас.

Бугун бир-бирини ўлдириш, отиш билан тирикчилик қилаётган миллион-миллион афғонлар эртага йўл қурилишига ўтади. Ризқини тинч меҳнатдан топиб, бола-чақасини тарбиялайди. Кимки шу лойиҳани қуллаб-қувватласа, Афғонистоннинг тинчлиги учун курашган бўлади! Кимки қарши чиқса, у одамнинг ўзиям, сўзиям қалбаки, риёкордир! Уларга уруш нима учун керак? Марказий Осиё давлатларини доимо хавф остида сақлаб туриш учун керак.

Ёнимизда уруш олови ёниб турса, биз тинч юришимиз мумкинми? Бор-йўғи саккиз юз километр масофа! Термиздан ўеги ёниб турибди. Бу урушни халқаро кучлар ёрдами билан тезроқ тўхтатиш кераклигини катта-катта минбарлардан кўп гапирганман. Россия давлат раҳбарлари билан учрашганда ҳам қайта-қайта такрорлайман: Амударё қирғогида қадим-қадимдан умргузаронлик қилган икки халқни бир-биридан ажратиш мумкин эмас.

Термизда бўлганимда одамлардан кўп эшитганман, уларнинг айтишларича, уша пайтлар кемалар ҳам, кўприклар ҳам бўлмаган, лекин, одамлар бемалол у қирғоқдан бу қирғоққа ўтиб туришган, тўйлар қилишган, қиз бериб, қиз олишган. Ҳужжат текширишлар, автомат ўқталишлар қаерда дейсиз. Қуриқчилар нари борса, ҳа, келин олиб келяпсизларми, бўпти, ўтаверинглар, қўшгани билан қўша қаришсин, дейишар экан. Кейин СССР деган давлат пайдо бўлди, ҳаммаёқ симтиканлар билан ўралди. Боя айтганимиздек, Афғонистонда уруш кетаётганига 17 йил бўляпти. Бу орада бутунлай янги авлод ўсиб етишди. Эътибор беринг-а, ўн етти йил давомида чақалоқ қурол кўтарадиган ўсмирга айланади. Ҳамма даҳшат мана шунда.

Хўш, Афғонистонда уруш нега ҳамон давом этяпти? Нима учун Тожикистонда ҳозирга қадар тинчликка эришилгани йўқ? Урушнинг тўхташидан манфаатдор бўлмаган кучлар Афғонистонга қурол келтиряпти. Шимолдан ҳам, жанубдан ҳам, ғарб томондан ҳам Афғонистонга қурол келаяпти. Миллион-миллион афғоннинг ёстиғи қуриди. Афғонистонда уч ярим миллион ўзбек яшайди, тожиклар, туркманлар яшайди. Улар ҳам қириляпти. Бу хунрезликларнинг ташкилотчилари бўлган йирик давлатлар, давлат арбоблари бор. Уларнинг муддаоси нима? Афғонистонда тинчлик бўлмаса, Узбекистонда ҳам тинчлик бўлмайди. Афғонистонда уруш давом этаверса, Ўрта Осиё давлатлари ҳамиша хавф остида турaверади.

Хўш, тинчлик ўрнатилди ҳам дейлик. Эртага Афғонистон кимнинг измида бўлади, кимга бўйсунади? Афғонистонга кўз тикканларга ана шу савол ҳам тинчлик бермайди. Нима кўп, Афғонистонда қабила кўп. Бир қабила биронта давлатга бориб пул, қурол сўрайди. Қурол, ёрдамни аямайдилар: марҳамат, олинг. Энди ўша давлатдан иккинчи қабила ҳам қурол, пул сўрайди: марҳамат, унгаям беришади. Курдингизми, Афғонистоннинг бугунги аҳволи қандай. Жаҳоннинг катта сиёсати гирдобига тушиб қолган бечора бир давлат бўлди бу Афғонистон! Бечора халқ бўлди бу афғон халқи!

Шунинг учун жаҳон ҳамжамияти эътиборини, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо давлатлар эътиборини бу масалага жалб қилиш бизнинг бурчимиз эди. Яна бир бор айтаман: Афғонистонда тинчлик ўрнатилмаса, Узбекистонда, мана шу Тошкентда биз хотиржам яшай олмаймиз. Бу — аниқ. Чунки, гиёҳванд моддалар ҳам Ўрта Осиё ҳудудига асосан Афғонистон орқали кириб келмоқда. Бу хавф эртага халқимиз бошига, фарзандларимиз бошига битган бало бўлиши мумкин.

Бизнинг ҳудудимиздан ўтадиган гиёҳванд моддалар эртага Европада пайдо бўлади. Шунинг учун катта минбарлардан айтишга тўғри келяпти: ў, азиз биродарлар, гиёҳванд моддаларнинг асосий харидорлари сизларда, Европада, дейлик, Петербургда ўтирибди. Сизларда пул кўп. Эҳтиёж бўлмаса бу захриқотил шунча йўл босиб Европага келмасди. Сизларда эҳтиёж бор экан, бу ёқда наша экилаверади. Бу ҳақда жиддий ўйлаб кўрсаларинг ёмон бўлмас эди. СССР парчаланганда кейин ҳар қайси давлат тараққиёт йўлини ўзи белгилади. Демократик йўл танлади. Биронта давлат четдан ёрдам олмасдан, эркин демократик давлат қурмаган, бозор иқтисодига ўтмаган.

Мақсад демократик давлат қуриш, одамлар тафаккурини ўзгартириш, бозор иқтисодига ўтиш экан, бу ишни биз сизнинг ёрдамингизсиз амалга ошира олмаймиз. Демократик давлат қуриш, одамлар тафаккурини ўзгартириш, бозор иқтисодиётига ўтишимиз учун ёрдам керак.

Биз истиқбол тўғрисида, тараққиёт тўғрисида гапирганимизда, ёрдам беринглар деганимизда, Узбекистонда янги завод-фабрикалар қуриш, одамларни иш билан таъминлаш, яъники уларнинг турмуш даражасини кўтаришни кўзда тутамиз.

Лекин йирик лойиҳаларни амалга ошириш учун сармоя керак. Узбекистонга олиб келинадиган лойиҳалар сизу бизга манфаатли бўлса, марҳамат, олиб келинглар, деб айтдим. Аммо мен бирор жойдан бир доллар ҳам сўраган эмасман, сўрамайман ҳам. Узбекистоннинг ўз кучи етарли. Қурби етарли. Минг қатла шукрки, Узбекистонда яшаётган ҳар қайси инсон — кеча туғилган гўдакдан тортиб қариялargача, ҳамма-ҳамма бошини баланд кўтариб, қаддини ғоз тутиб, ғурур билан айтиши мумкин: бизлар ҳеч қачон тиланчи бўлган эмасмиз, иншооллоҳ, бўлмаймиз ҳам! Худонинг бизга бергани бор.

МУХБИР: — Одатда, биз кенг жамоатчилик дунёдаги сиёсий воқеаларнинг расмий жиҳатларини ҳабардор бўламиз-у, уларнинг замиридаги маъно-мазмунни кўп ҳолларда англаб етавермаймиз. Мана шу мураккаб, чигал воқеаларни Сиз жуда теран ва содда таҳлил қилиб бердингиз...

ПРЕЗИДЕНТ: — Одамларимиз, олис-олисларда ўтирган қарияларимиз нима учун шундай сиёсат юритаётганимизни тушуниб етиши учун мен бу гапларни содда, оддий тил билан айтяпман. Бу сиёсатдан кутилган мақсад нима? Президентимиз нима учун шу узоқ жойларга бориб келди? Бизлар ҳам унинг бир учини билайлик, деб туришибди улар. Мен тушунаман: одам тирик экан, ҳаракатда экан, унда қизиқиш бўлади. Шахсан мен учун ана шундай одамлар азиз. Шундай одамлар тушуниб олиши учун мен содда тил билан гапиряпман: бизлар ҳеч қачон тиланчи бўлган эмасмиз, бўлмаймиз ҳам!

Яна бир нарса шуки, бизлар нафақат Европа, балки жаҳон ҳамжамиятига тезроқ киришимиз керак. Агар биз ўз ёғимизга ўзимиз қоврилиб ётсак, ўз минтақамизда ўралашиб қолсак, билингки, бу биз учун катта зарар. Кимки шундай фикр-хаёл билан юрган бўлса, демак унинг фаҳми калта, тушунчаси паст. Тирикчилик, умуман бу дунё олди-бердига қурилган. Бундан кўз юмиб бўлмайди.

Шундай экан, бизларнинг муносабатимиз самимий бўлиши керак, чегараларимиз очиқ бўлиши керак. Биз ота-оналаримизга, ҳатто саксондан сакраган қарияларимизга дунёнинг кенглигини кўрсатишимиз керак. Бу — бизнинг фарзандлик бурчимиз. Қурби етарли, бели бақувват одамлар, албатта, ўз йўлини топади. Хоҳлаган жойига боради, боряпти ҳам. Ҳозир имконият катта.

Шу гапларни айтяпман-у, кўз олдимда саксон иккига кириб олмдан ўтган онам гавдаланиб турибди. У Самарқанддан бошқа бирорта шаҳарни кўрган эмас, ҳатто Тошкентни ҳам. Раҳматли онам сингари ўзининг қишлоғидан бир қадам нарига чиқмаган миллионлаб аёлларимиз бор. Бир уйлаб кўринглар, Европа аёлларидан ёки эркакларидан нимамиз кам? Қайси жиҳатдан ожизмиз? Хизмат юзасидан кўп жойларни бориб кўряпман. Ҳозир ҳам кеча кўрганларим таассуроти остидаман. Халқимизнинг уларга нисбатан анча маданиятли экани сезилди. Шу боис чегарани очишимиз керак, токи биз бошқа юртларга эмин-эркин бориб-келайлик, бошқалар эса бизникига бемалол келиб-кетсин.

МУХБИР: — Нутқингизда Узбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш масаласига ҳам тўхтаб ўтдингиз. Бу борада Сиз қайси масалаларни долзарб деб ҳисоблайсиз?

ПРЕЗИДЕНТ: — Мен бир нарсани алоҳида таъкидламоқчиман. Буни Америкада ҳам айтган эдим. Бу — Россияда пайдо бўлаётган ҳар хил кучлар, ҳаракат ва намойишлардир. Айрим кимсалар Россияни собиқ СССР чегарасида тикламоққа уринишяпти. Соддароқ қилиб айтганда, бу парчаланиб кетган СССРни тиклаш дегани. Олдиндан кетини ўйламайдиган бу ҳовлиқмалар (улар жуда кўп!) эски коммунистлар, эски ўй-фикрда юрган одамлардир. Улар бир вақтлар партноменклатурага кириб, тўғрироғи, партия тепасига чиқиб олиб айшини суриб юришарди. Ҳар куни Москвага чопиб бориб, қўли қуксида, энди нимани буюрасиз, тақсирим, деб сўрашарди. Улар ҳозир ҳам уша кунларни қумсаб, соғиниб юришибди. Уларни биламан, лекин уларнинг даври ўтди, энди қўлларидан ҳеч нарса келмайди. Нега деганда, халқимиз қайси йўл ёруғ, қайси йўл тўғри ва қаерга олиб боришини тушуниб олди. Четда пайдо бўлаётган ана шу хавф тўғрисида бир-икки оғиз гапирмоқчиман.

Ҳовлиқма кимсаларнинг фикри-зикри СССРни тиклаш, бизни унинг таркибига киритиш. Сабаби, собиқ СССР чегарасини Россия чегарачилари қуриқлаётган эмиш. Бизнинг баъзи бир қўшниларимиз бу билан фахрланишмоқда, келажагини ҳам уларга тикмоқда. Аммо катта минбарлардан туриб, бизлар мустақилмиз, дейишади. Чегарани бошқа давлат ҳарбий кучлари билан қуриқлаш, бу мустақиллик далолати эмас, такрор айтаман, мустақиллик далолати эмас. Бу — заифлик далолати.

Ҳозир шундай сиёсат бўляптики, Россия мана шу макондаги давлатлар, яъни Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тенг ҳуқуқли аъзо давлатлар чегарасини ҳимоя қилишга, қуриқлашга ёрдам берар эмиш. Хўш, давлатимиз мустақил бўлса, ўз мустақиллигимизни бутун дунёга эълон этган бўлсак, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, истиқболимизни, иқболимизни ўз хоҳишимизча қураётган бўлсак, нима учун бизларнинг чегарамизни бошқалар қуриқлаши керак? Наҳотки чегарани қуриқлайдиган куч ўзига ҳеч нарса талаб этмаса?! Бу дунёда ҳеч нарса бетаъма бўлмайди. Сенинг чегарангни текинга қуриқлаб берадиган аҳмоқ бор эканми! Ким бунга ишонади? Бу ерда коса тагида нимкоса борлиги кўрга ҳам аён.

Чегарамизда бегоналар тургандан кейин дўстларимиз келсин, бизлар ҳам борайлик, бордикелди қилайлик, очиқ жамият бўлайлик, деган ниятларимиз саробга айланади. Чунки бизларни қуриқлайдиган чегарачи, авваламбор ўзини қуриқлайди. Ундан кейин айтганим айтган, деганим деган деб туриб олади. Йўлимизни шартта тўсиб олиб, бизларнинг, дейлик, дунё ҳамжамиятига қўшилувимизга ўз кўзи билан қарайди. Маъқул тушса — қўяди, маъқул тушмаса — қўймайди. Бу аниқ гап! Бизлар буни яхши тушуниб олишимиз, тўғри баҳо беришимиз ва олдини олишимиз керак!

Балки баъзи давлатларнинг ўз чегарасини қуриқлашга қурби келмас. Унда очиқдан-очиқ тан олсин, мен заифман деб. Мен мустақилман, ислоҳотни ундоқ олиб боряпман, бундоқ олиб боряпман, одамларимиз яқинда жаннати мамлакатда яшайди, деб мақтанмасин. Майли, бу давлатлар раҳбарларининг номини айтмай қўяқолай. Аммо улар қуруқ мақтаниш ўрнига, ўзларига ўзлари менинг чегарамни бошқалар келиб қуриқласа, қанақасига мен мустақил бўламан, деб савол берса ўринли бўларди. Ўзини қадрлайдиган халқ ҳеч қачон тақдирини бировга боғлаб қўймайди. Бу бор гап.

Яна бир қўшнимиз эса мен нейтрал, яъни бетараф давлат қураман, деб юрибди. Бетараф давлатнинг чегарасини бошқа биров қуриқлаб берадими? Бу қандай бетарафлик бўлади? Ҳеч бир ақлга сиғмайди. Ўзини бетараф деб танитган давлат ўз чегарасига чет мамлакатлар ҳарбий кучларини умуман қўймаслиги керак. Бу оддий ҳақиқат! Агар биз, Туркистон халқлари, аҳил яшасак, чегарамизни биров қуриқлашига ҳожат қолмайди.

Бизларнинг аждодимиз бир, азал-абаддан қариндош, қондош, қисматдош бўлиб келганмиз. Ҳаммамизни Оллоҳнинг ўзи яратган. Унинг ўзи иньюм эттан беҳад куч, салоҳият, бойликка эга, соҳиб бўла туриб, нима учун четдан посбон чақиришимиз керак?! Ахир биз ҳамма вақт бир-биримизнинг ютуғимиздан қувониб, камчилигимиздан қуюниб келганмиз-ку! Нима учун бизлар Худо берган ақлни яхшилик томон ишлатмаймиз, бир-биримиз билан аҳил, ога-ини бўлмаймиз?! Бугун эса замоннинг зўри билан орамизга тортилган чегарани пеш қилиб, давр синовидан ўтган аҳиллигимизга путур етказяпмиз. Чегарамизни ёт одамларга ишониб топширяпмиз. Бу, менимча, Ватан тақдирини қўш қўллаб бировнинг измига беришдан бошқа нарса эмас. Агар биз бирлашсак, биздан зўр куч топилмайди. Менинг бунга ишончим комил.

Биз уруш ҳақида кўп гапирамиз. Аслини айтганда, уруш — бир-бирини қириш, ўлдириш одамзот табиатига ёт нарса. Лекин урушишади. Бунинг сабаби нимада? Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, бошқа йирик кенгаш ва ташкилотлар бунинг олдини олиш учун йилига миллиард-миллиард пул сарфлайди. Аммо урушлар давом этаяпти. Бир кун бўлсин тўхтамаяпти. Нега? Бу офат қачон тугайди? Бунинг сабаблари кўп: очкўзлик, манфаатпарастлик, шуҳратпарастлик, амалпарастлик, жаҳолат, маданиятсизлик ва ҳоказолар. Уруш таназзул юз бераётган жойдан чиқади. Нодон одам давлат тепасига чиқиб олиб, бошқаларнинг ютуғига ҳасад қилиб, ўз нафсини бошқалар ҳисобидан қондирмоққа интилади. Ўз нафсини қондириш учун халқини қирғинбаротга бошлайди. Бу — биринчи сабаб.

Иккинчи сабаб — жаҳолату маданиятсизликда. Маданият устун бўлган жойда уруш чиқмаслиги аниқ. Илму маърифат эъзозланган мамлакатда ҳеч ким уруш ҳақида бош қотирмайди. Чунки илму маърифат инсонни юксакликка кўтаради. XXI асрда, мен ишонаман, маданият учун, илму маърифат учун жонини берадиган ва буни ҳаётининг асосий мақсади қилиб қўядиган янги авлод пайдо бўлади. Биз ана шу авлод учун яшаяпмиз. Биз ана шу олижаноб мақсадларни одамлар қонига сингириш учун ҳаракат қиляпмиз. Биз кутаётган авлод мана шу бойликни дунёдаги энг катта бойлик деб билса, ҳаётини шунга бахшида этса, билингки, одамзот ёруғ кунларга эришиши муқаррар!

Ватан, Ватан муҳофазаси ҳақида гапирар эканман, айни ўринда уни ҳавф остига қўядиган яна бир иллат ҳақида ҳам тўхталиб ўтмоқчиман. Шахсан ўзим бу иллатдан жирканаман. Шу иллатга чалинган одамни кўрарга кўзим йўқ. Бу сотқинликдир. Сотқинлик — маккор дўстнинг иши. Мен ҳар қандай ёвузликни сотқинликдан кўраман. Эзгуликка садоқати бўлмаган, бирон нарсага ихлос қўймаган, ишонмаган одам қўрқинчлидир. Табиатида сотқинлиги бор одам раҳбарлик курсисига ўтириб қолса борми, у ерда осойишталик йўқолди деяверинг. Иккита одамнинг, иккита мамлакатнинг орасидаги урушни ҳам айнан шундай одамлар бошлаб беради. Шу боисдан бундай одамлардан огоҳ бўлишимиз керак. Уларга ёнимизда ўрин бўлмаслиги керак. Агар теварак-атрофимиздаги бирор одамда шундай аломатлар сезилаётган бўлса, дарҳол тарбиямизга олиб, уларнинг юрагига эзгулик уруғини қадайлик.

МУХБИР: — Сиз Америка Қўшма Штатларида бир қанча давлат арбоблари, шу жумладан, АҚШ вице-президенти Альберт Гор билан учрашдингиз. Бу учрашувлар Узбекистон иқтисоди ва сиёсатига қандай таъсир этади?

ПРЕЗИДЕНТ: — Биз Америка Қўшма Штатлари вице-президенти Альберт Гор таклифига биноан Нью-Йоркдан Вашингтонга ташриф буюрдик. Учрашув учун қиска фурсат ажратилган бўлса-да, биз кўп масалаларни муҳокама қилдик. Музокаралар яхши ўтди. Икки томонни ҳам мамнун этди. Уларнинг кайфиятидан сездикки, Оқ уй маъмурияти учрашувимиздан талай таассуротлар, кўп саволларга аниқ ва ишончли жавоблар олди, умуман ўзлари учун муҳим хулосалар чиқарди.

Агар Америка-Узбекистон алоқалари, муносабатлари тўғрисида гапирадиган бўлсам, биринчи навбатда, унинг ривожига ахборот камлиги сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Айнан ахборот камлиги, етишмаслиги орамизда баъзи бир тушунмовчиликларни келтириб чиқармоқда. Бу ерда ҳам гаразгўй, сотқин кимсалар икки давлат орасига қутқу солмоқда. Орамизни бузиш учун турли бўҳтонлар ёгдирмоқда. Улар бегона эмас, ўзимиздан, ўз орамиздан чиққан одамлар. Улар маълумот камлигидан фойдаланиб, шу ёққа бориб, ўз она Ватани ҳақида ҳар хил бўлмаган гапларни тарқатиб, тирикчилик қилиб юришибди. Нима ҳам дердик, ўзингдан чиққан балога, қайга борасан давога.

Америка, энг аввало, жамоатчилик тафаккури юксак қадрланиши билан бошқа мамлакатлардан фарқланади. Мен жамоатчилик фикрини назарда тутяпман. Маърифатли дунёда «фуқаролар давлати» деб гапирилмайди. «Фуқаролар жамияти» дейилади. Давлат — бошқа нарса, фуқаролар жамияти бошқа нарса. Бундай жамиятда давлат ташкилотларидан кўра жамоат ташкилотларининг қадри баландроқ туради. Куч ишлатувчи тузилмалар, вазирликлар, маҳаллий ҳокимият давлат ташкилотлари тизимига киради.

Жамоат ташкилотлари эса фуқароларнинг ихтиёрий бирлашиши асосида ташкил топади. Биз бунга эришишга ҳаракат қилмоғимиз лозим. Мен бу ҳақда Олий Мажлисимизнинг биринчи сессиясида гапирган эдим.

Шунинг учун ҳам бизнинг асосий мақсадимиз — бир киши ёки жамоат ташкилотларининг фикри давлат тузилмаларининг фикридан устунроқ бўладиган фуқаролар жамияти қуришдан иборат. Америкада бунга жуда яқин келиб қолинган. У ерда ижтимоий гуруҳларнинг манфаати билан ҳамма ҳисоблашишга мажбур.

Ишбилармонлар билан бўлган учрашувлар менда жуда катта таассурот қолдирди. Улардан бири — АҚШнинг энг йирик банкларидан ҳисобланган ва жаҳон ишбилармонлар оламида муҳим ўрин тутадиган «Чейз Манхэттен банк» атрофида бирлашган гуруҳ вакиллари билан учрашувдир. Бу банк ҳозирда «Кэмикел банк» билан бирлашишга тайёр. Ушанда уларнинг бойлиги қарийб беш юз миллиард долларни ташкил этади. Ақлни шоширадиган рақам бу. Шундай бойликка эга бўлгандан кейин барча жараёнларга фаол таъсир кўрсатиш, атрофига етакчи фирма ва компанияларни тўплай оладиган марказ ташкил этиш осонлиги ҳам аён. Бироқ, бу учрашув чоғида, мен энг аввало уларнинг Узбекистонга бўлган қизиқишини ҳис этдим ва бу ҳол мени жуда мамнун қилди. Бу қизиқиш шу қадар катта эдики, уларнинг барча саволларига жавоб бериб улгура олмадим. Имкони бўлганда бу учрашув узоқ давом этар эди. Мени биринчи галда қойил қолдирган нарса учрашув иштирокчиларининг очиқлиги, Узбекистонда бўлгани кунда биз қилишимиз мумкин бўлган нарсалардан ҳам кўпроқ нарсани кўриш истаги бўлди. Назаримда, бу жуда ибратлидир.

Иккинчи учрашув — таркибига ишбилармонлар дунёси намояндалари, банкирларгина эмас, АҚШ ташқи сиёсатини ишлаб чиқишга сезиларли таъсир кўрсатадиган одамлар ҳам кирадиган «Америкен интернешнл груп» кенгаши аъзолари билан бўлди. Учрашув иштирокчилари орасида давлатни бошқарган кишилар ҳам, ҳукумат аъзоси бўлган кишилар ҳам бор эди. Очиғини айтганда, бу барча эркин гапирадиган, эркин фикр алмашадиган, мамлакатдагина эмас, унинг ташқарисидаги воқеалар ривожига ҳам таъсир кўрсата оладиган кишилар таклиф қилинадиган учрашув эди. Улар меҳмонларни тўрт томондан «нишонга олади», фикр-мулоҳазаларини бойитиш учун уларнинг «сиқиб сувини ичади».

Назаримда, бу жуда зарур ва фойдали ташкилот. Биз ҳам ўзимизда ана шундай ташкилотни тузишимиз керак. Турли нуқтаи назар ва турли манфаатга эга бўлган кишиларнинг кутилмаган хулосалари истиқбол учун муҳим аҳамиятга эга.

Ахборот тилида, асл манба, деган тушунча бор. Афсуски, жаҳон, хусусан, Америка жамоатчилиги айни пайтда Узбекистонда содир бўлаётган воқеалар тўғрисидаги ахборотни иккиламчи манба — Россия оммавий ахборот воситаларидан олишмоқда. Ваҳолонки, Россия оммавий ахбор

Таъкид

ПАРВОЗГА ШАЙЛАНДИК

Биз октябрь ойининг бошида Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтига келдик.

Аввало, тингловчилар учун институт қошида очилган санаторий-профилакторий хизматидан жуда хурсанд бўлдик. Дарс тинглаш билан бирга дам олиш учун қулай имкониятлар яратилган экан. Бу, муаллимларга ғамхўрлик белгиси сифатида бизга мамнунлик бағишлади.

Институт ўқув хоналари шинамгина. Биз машғулотларда профессор-ўқитувчилар билан тубдан янгиланган дастур ва дарсликлар хусусида фикр алмашдик. Мактабда дарс ўтиш, таълим тизимини бошқаришнинг янгича йўналишлари билан танишдик. Электрон-ҳисоблаш машиналари билан ишлашни, лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбосида иш юритишни пухта ўзлаштирдик. Ўқув давомида кўплаб маърузалар тингладик. Айниқса, Ўзбекистон Халқ таълими вазири, педагогика фанлари доктори Жўра Ғаниевич Йўлдошевнинг «Халқ таълими — ислоҳот йўлида» мавзусидаги маърузаси бизда катта қизиқиш уйғотди.

Вазиримизнинг кўплаб чет мамлакат мактаблари ҳақидаги таассуроти, республикамиз умумтаълим мактабларининг келажаги ҳақидаги ёрқин фикрлари бизни янада изланувчан ва ижодкор бўлишга даъват этди. Сабоқлардан сўнг шаҳар мактаблари ҳаёти билан танишув бўлди.

Биз учун бир қатор эсда қоларли ва таъсирли учрашувлар ҳам ташкил этилди. Ана шундай тадбирлардан бирида «Маърифат» газетасининг бош муҳаррири, шоир Саъдулла Ҳаким биз муштарийларни қизиқтирган саволларга жавоб берди. Учрашувда сўзга чиққан муаллимлар рўзнома саҳифаларига ранг-баранг ва қизиқарли мавзулар олиб чиқилаётганини таъкидлаб, унда яна ҳам жонли, мушоҳадали мақолалар кўпроқ ёритилишига умид билдиришди.

Киночилар уйидаги томошалар ҳам бизга завқ берди. «Тановар» ансамбли бадиий раҳбари Юлдуз Исматова иштирокидаги катта концерт дастуридан кайфиятимиз ғоят кутарилди. Сўнгра Юлдуз Исматованинг фаолиятини ёритувчи «Саҳна юлдузининг мунаввар ёғдуси» телевизион фильм премьераси кўрсатилди.

Мамлакатимиз пойтахтининг янгиликлари билан ҳам танишишга улгурдик. Ғузал Тошкентнинг янги иншоотлари, Эски шаҳарнинг янги чароғон кўчалари ҳар биримизга олам-олам завқ бахш этди. Мустақил Узбекистон фуқароси эканлигимиздан бошимиз кўкка етди. Чунки пойтахтга ўқишга келиб, билимимиз ошди, мириқиб ҳордиқ чиқариб, кучимизга-куч қўшилди, ғўёки ўзимизда янгилик кашф этгандек парвозга шайландик.

Абдумалик МАМАТҚУЛОВ,
Булунғур туманидаги 7-мактаб ўқитувчиси.
Ҳасан АЛМАТОВ,
Каттақўрғон туманидаги 74-мактаб ўқитувчиси.

АЗ-ЗАМАХШАРИЙНИНГ 920 ЙИЛЛИГИГА

АЛЛОМАНИНГ ТУГАНМАС ХАЗИНАСИ

Урта асрларда араб тили ва унинг грамматикаси борасида қалам тебратган ватандошларимиздан бири Маҳмуд аз-Замахшарийдир. У Қуръон тафсири, Пайғамбар ҳадислари ҳақида ҳам асарлар ёзган. Айниқса, ўрта аср фалсафасига алоқадор калом илми— мутакаллиминлар билан ҳам анчагина машғул бўлган. Маълум бўлишича, аз-Замахшарий араб тилини мукаммал билиб, бу тилда яхшигина шеър ҳам ёзиш даражасига эришган. Ҳатто, ёзганларини бу тил соҳиби бўлган шоир ва олимларга манзур қилар даражасида бўлганлар.

Замахшарий ҳижрий йилнинг 467-сида 27 ражаб ойида — мелодий 1075 йил 19 мартида Хоразмнинг Замахшар деган жойида туғилди.

Сурия олимларидан бири Ёқуб ал-Ҳамақийнинг (1179-1229) кўрсатишича, Замахшарий ё томдан қулаб тушган ва ё уловдан йиқилиб оёғи майиб бўлган. Тарихчи Ибн Халликон (1211-1282)нинг кўрсатишича, қор ёққанда сафарда оёғини совуқ олган. Шу тариқа у бир оёғини кестирган. Ҳатто оёғи оқсоқлиги ва бу борадаги пушаймонлиги унинг арабча ёзган шеърларида ҳам ўз аксини топган.

Замахшарий уқимишли оилада туғилган, дастлабки таълимни ҳам отасидан олган. Отаси ўғлининг оёғи ногирон бўлгани сабабидан ўтириб ишлаши қулай бўлишини назарда тутиб, унга чеварликни ўргатади, шу тариқа у тикувчилик касбини эгаллайди. Ўғлининг ўқиш-ёзишга жуда берилганини кўриб отаси уни мадрасага элтади. Манбаларда сақланиб қолган маълумотларга қараганда, унинг тил, грамматика борасида домлаларидан бири Абу Музор Маҳмуд ибн Жарир ал-Заббий (вафоти 1113 йил) бўлган. Бу киши ўз соҳасида даврининг энг пешқадами ва иқтидорли олими саналган. Замахшарий бу олимдан адабиёт ва адабиётшунослик борасида кўп дарслар олади, унинг бу устоди Шарқда ўша даврда кенг ёйилаётган муътазила оқимининг тарғиботчиларидан эди. Шу тариқа Замақшарий муътазила оқимига шўнғиб, уни яхшилаб ўрганиб олади, унинг тарафдорларидан бири бўлади. Замахшарийдаги илм-фанга қизиқишни кўрган бу устоди шогирдига мадад бериб, моддий томондан қўллаб-қувватлаб туради. У дастлаб таълим олиш учун Бухорога боради ва бир қадар илм-урфон ўрганади.

Замахшарий қайси ўлкага бормасин, дарҳол ўзига зарур бўлган илм аҳлини топади, улар билан учрашиб, ҳамсуҳбат бўлади, ўрганадиган соҳаларини белгилаб олади. Шу тариқа у Бағдод шаҳрида бир қанча вақт қўним топади, у ердаги илмий муҳит билан танишиб, алломалар билан ҳамнишин бўлади.

Замахшарий 43 ёшида қаттиқ бетоб бўлиб қолади. Тузалгач, Ёқут ал-Ҳамавий (1179-1229) таъкидлашича, у Макка томонга йўл олади. Маккада унинг ҳокими Абул Ҳасан Али ибн Ҳамза ибн Ваҳҳос (1155 йилда вафот этган) билан яқиндан танишади. Макка ҳокими туркистонлик олим — Замахшарийни ёқтириб қолади. Ҳоким ҳам адабиёт соҳасига берилган, узининг ҳам табъи назми бор киши эди. Икки олим кўплаб ширин суҳбат қуришади, бир-бирларига ўз шеърларини ўқиб, бир-бирларидан фикр-мулоҳаза эшитардилар. Бу ҳоким ҳам муътазилий оқимига мансуб киши эди. Шу жиҳатдан Замахшарий унга яқин бўлиб қолади.

Олим Маккада икки йил яшагач, у ватани, хеш-ақраболарини соғинади ва Хоразмга қайтади. Бироқ бу ерда узоқ вақт қололмайди, яна ҳам урганадиган масалалари, соҳалари пайдо бўлиб, у яна Макка томон юзланади. Йўл-йўлакай у Шом ўлкасига келади, унинг ҳокими билан ҳам учрашиб ҳамсуҳбат бўлади. Ибн Ваҳҳоснинг маслаҳати билан Замахшарий «ал-Кашшоф» деган асарини ёзишга тушади.

Замахшарий шаҳарда яшай бошлайди, ҳатто бунда анчагина йил турганини назарга олиб, уни «Жоруллоҳ» (Оллоҳ қўшниси) деб атай бошлайдилар. Сўнг Замахшарий яна юртига юзланади. Қайтатуриб Бағдодга қунади. Бу шаҳарда Замахшарийни жуда яхши кутиб оладилар. Бунда бир қадар олимлар билан мулоқотда бўлиб, адабиёт борасида илмий анжуманлар тузади. Баъзиларига дарс берса, баъзиларидан илм таҳсил қилади. Сўнг Бағдоддан Хоразмга йўл олиб, Урганч шаҳрига келиб жойлашади. Урганчда бир неча йил яшагач, ҳижрий 538 йилнинг 9-зулҳижжа куни, милодий 1144 йил 14 июнда арафа кечаси вафот этади. Араб олими ибн Баттута (1303—1377) Хоразмга қилган саёҳатида Замахшарийнинг қабрини зиёрат қилганини ёзади.

Замахшарий бутун маънавий умрини илм-маърифатга бериб, ҳатто оила ҳам қурмаган эди. Шунданмикан илмда жуда катта муваффақиятларга эришди, ўз замонининг етук олимларидан бирига айланди. У дастлаб илм истаб мусулмон ўлкаларини кезар экан, қунган шаҳарларида керакли деб ҳисобланган фанларни — араб адабиётининг нозик соҳаларини ўрганди, ўзи билганларини эса одамларга ўргатди, шу тариқа ҳар бир қунган ва яшаган шаҳарида ўзига хос из қолдирди. У Урганч, Бағдод, Ҳижоз каби шаҳарларда яшаб араб тили ва Қуръон тафсири борасида дарслар берди, асарлар ёзди.

Хулоса қилиб айтсак, аллома Маҳмуд Замахшарий араб грамматикаси, ҳадис илми, луғат, фиқҳ — қонуншунослик, адабиёт, аруз, калом илми каби соҳаларда қалам тебратди. У араб тили, форсча, туркча, хоразмчада асар ёзган, бу тилларнинг биридан иккинчисига таржима қилишга иқтидори бўлган. Шуниси аниқки, у барча асарларини араб тилида ёзди, ҳатто бу тилда шеърий девон ҳам таркиб этди. Ёзганлари билан араб олимлари ва адибларини ҳам қойил қолдирди.

ЗАМАХШАРИЙ ЁЗГАН ЙИРИК АСАРЛАР ҚУЙИДАГИЛАР:

Энг йирик асарларидан бири «Ал-Кашшоф ан ҳақойиқ ғавомиз ат-танзил ва уюн ал-ақовил фи вужуҳ ат-таъвил» — «Қуръоннинг ҳақиқий сирлари очилиши ва сўзлар сарчашмасини шарҳлашда таъбир усуллари» бўлиб, талаффузга осон бўлиши учун манбаларда уни қисқача қилиб «ал-Кашшоф» деб юритишади. Буни муаллиф Маккада яшаган кезларида унинг ҳокими ибн Ваҳҳос илтимоси билан ёзишга киришган ва ҳаётининг сўнгги йилларида Урганчда тугаттан. Асар асосан Қуръони Карим тафсирига бағишланган.

Бу асарнинг яна бир қадрли томони шундаки, муаллиф уни ёзишда бизгача етиб келмаган кўп тафсир, ҳадис ва грамматикага оид манбалардан фойдалана олган. Ҳозир дунёда бу асарнинг юзга яқин қўлёзмалари ва йигирмадан ортиқ шарҳлари бор.

Тошкентда Узбекистон Фанлар Академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида бу асарнинг бир қатор қўлёзмаси сақланади. 1909 рақамли қўлёзма «Тафсир ал-Кашшоф» деб аталади. Бу нусха 1124 йилда ёзилган, 1433 йилда Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Козируний томонидан кўчирилган, араб тилида, сулс хатида, 763 варақдан иборат.

Бу асарнинг яна бир нусхаси (инвентарь рақ. 6048) Тошкентда Шарқшунослик институти хазинасида мавжуд. Асар 1134 йили Маккаи мукаррамада ёзилган, насх хатида, 335 варақдан иборат. Бу асарнинг биринчи жилди саналади. Шу тариқа Узбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институти хазинасида Замахшарийга тегишли бу асарнинг қўлёзмалари сони 14 донадир. Мана шу қўлёзмалардан кўринишича қараганда бу диёрда унинг бу асари анча кенг қўламда ўрганилган.

Замахшарийнинг бу китоби бутун ислом шарқида донг таратган таълифларидан бири бўлди ва кейинги асрларда ёзилган кўп тафсирларга манба ҳам бўлган ва узидан кейин ўтган буюк олимлар ардоқлашига сазовор бўлган асарлардандир. Мазкур асар қўлёзмалари дунёнинг кўп кутубхоналарида сақланади. Шарқ ўлкаларида бир неча дафъа нашр ҳам этилди, илк бор Калкутта (Ҳиндистон)да 1856-59 йилларда икки жилд бўлиб, сўнг Байрут (Ливан)да тўрт жилд бўлиб босилди. «Ал-Кашшоф» ёзилишидан бошлаб, то сўнгги йилларгача ўрганувчилар қўлидан тушмаган, унга қўшимчалар, иловалар, шарҳлар битилиб, ўрганилиб келинди.

Алломанинг асарларидан яна бири «Фоиқ фи ғариб алҳадис» — «Ажойиб нотаниш сўзлар» деб аталади. Бунда муаллиф матн орасида учрайдиган қийин сўзларга изоҳ беради. Бу борада олим ёзган асарлардан энг муҳими мана шу китоб саналади. Бу асар 1906 йилда Ҳайдарободда, 1945 йилда Қоҳирада нашр этилди.

Маҳмуд Замахшарий тилшуносликка оид бир қатор асарлар ёзди. Алломанинг бу хил китобларидан бири «ал-Муфассал» асаридир. Бу китобини муаллиф ҳижрий 511—513 йиллар (мелодий 1119 — 1121 йиллар) орасида ёзди. Замахшарийнинг тилшуносликка оид бўлган бу муҳим асари тўрт бўлимдан иборат. Бу асар қўлёзмалари дунё миқёсида анчагина. Тошкентдаги Шарқшунослик институтида унинг олти қўлёзмаси мавжуд.Бу асарнинг 5198 рақамли қўлёзмаси 459 варақдан, 3697 рақамли қўлёзмаси 335 варақдан иборат. Асар ўтган асрда Деҳли, Искандария ва Қоҳира шаҳарларида бир неча бор нашр ҳам этилган. «Ал-Муфассал»нинг бир қисми, яъни унинг парчаси «ал-Унмузаж» («Намуна») номи билан ўтган аср ўрталарида (1867-й) Ғарбда, сўнг эса Табриз, Қоҳира, Теҳрон, Истанбул шаҳарларида ҳам босилган.

Замахшарийнинг яна бир йирик асари «Асос ал-балоға»дир. Бунда муаллиф луғат илмига тўхтаб, араб тили бойлигига — унинг фасоҳат ва балоғати борасида сўз юритади. Бу асар биринчи марта 1881 йилда икки жилд бўлиб, кейин 1992 йилда бир жилд сифатида Қоҳирада босилди, Ҳиндистоннинг Лакхнав шаҳрида 1893 йилда ва Ҳайдарободда 1906 йилда, 1965 йилга келиб Байрут (Ливан)да нашр этилди.

Замахшарийнинг энг кўп тарқалган асарларидан бири «Муқаддамат ал-адаб» («Адабиётга кириш»)дир. Муаллиф бу асарини ёзиб хоразмшоҳ Отсиз ибн Муҳаммад (салтанат сурган йиллари 1127—1156)га тақдим этган экан. Маълум бўлишича, муаллиф уни 1127—1144 йиллар орасида ёзган. Бу асар орқали у адаб илмига киришни назарда тутган. У араб грамматикаси асосида номлар ва уларнинг турланиши, феъллар ва уларнинг тусланиши, юкламалар, умуман, араб тили грамматикасини эгаллаган ҳолда адабиётга ёндошишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Замахшарий бу асарини ҳам аввал ёзгани араб грамматикасига оид бўлмиш «ал-Муфассал» асарига ўхшатиб ёзган кўринади.

1988 йилда турк олими Нури Южи Анқарада бу асарнинг Эроннинг Шустар шаҳрида Шайх Муҳаммад Тақий кутубхонасидан топилган нусхаси асосида нашр этди (китоб 230 бет). Бу асар нашрининг ёзишича, 1967 йилда Урхан Билгин деган олимнинг ёрдами билан бу қўлёзма Истанбулнинг Сулаймония кутубхонасига келтирилиб, ундан микрофильм олинган ва асл нусха эгасига қайтариб юборилган. Натижада, Замахшарийнинг «Муқаддимат ал-адаб» асари Нури Южи томонидан янгидан нашр бўлган. Шу тариқа бу асар ҳақида одамлардаги маълумотлар бир қадар кенгайди.

Тошкентда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида Замахшарийнинг «Муқаддимат ал-адаб» асарининг бир қанча қўлёзма нусхаси бор. Уларнинг бири 2699 рақамли қўлёзмадир. Қўлёзма 194 варақ, ҳар бир бетида 7 йўлдан, форсча-туркча шарҳлари ҳам бор. Асарнинг бош ва сўнгги қисми тушиб қолган.

Институтда сақланадиган бу номдаги асарнинг бошқа бир нусхаси 429-рақамли қўлёзма асар бўлиб, у 274 варақдан иборат. 3628 рақамли бу асар 136 варақ (феъллар қисми)дан иборат.

«Муқаддимат ал-адаб» асари муаллифининг қўли билан ёзилган нусхаси ё давримизгача етиб келмаган ё етиб келган бўлсаям қайсибир сабаблар билан дунёнинг бир чеккасида мутахассисларга номаълум ҳолда ётибди. Аммо асл нусхадан кўчирилган ва кўчирилгандан кўчирилган нусхалар орқали бу ажойиб асар замонамизгача етиб келиб, бир қатор нашрларга ҳам сазовор бўлган. Асарнинг баъзи қўлёзмаларида кўчирилган вақт кўрсатилган бўлса, баъзиларида кўрсатилмаган. «Муқаддимат ал-адаб» муаллифнинг бошқа таълифларига қараганда кўп олимларнинг диққат-назарига сазовор бўлган экан. Унинг хоразмча ва форсча қилинган таржима нусхаси энг эски нусха ҳисобланиб, XIII аср ўрталарида (1257) кўчирилган. Берлинда сақланаётган бу асар қўлёзмаси эса 1282 йилда кўчирилган экан. Диққатга сазовор томони шундаки, муаллифнинг бу номдаги асарининг кўп нусхалари, юқорида айтганимиздек, Хоразмда кўчирилган нусхалар саналади. Аммо шуниси аниқни «Адабиётга кириш» асарининг энг қадимгиси арабча-туркча нусхасидир. Бу асар билан жуда кўп олимлар шуғулланганлар. Ҳатто 1705 йилда Аҳмад ибн Хайруддин ал-Ғузалҳисорий (ваф. 1708) бу асарни Бурсада туркчага таржима этган ва бу таржима 1895 йилда «Ақса л-араб фи таржимат ал-муқаддимат ал-адаб» номи билан икки жилдда нашр этилди.

Замахшарий адабиёт соҳасида ҳам анчагина асарлар ёзган. Улардан бири унинг «Мақомот» асаридир. Бу асар баъзи нашрларда «Насойиҳ ал-кибор» — «Катталар насиҳатлари» деб ҳам юритилади. Манбаларда сақланиб қолган маълумотларга қараганда, муаллиф бу асарини қаттиқ касалга чалиниб қолганидан кейин ёзган. Сўнгги йилларда (китобда нашр этилган йил кўрсатилмаган) Байрутда босилган «Шарҳ мақомат аз-Замахшарий» асари 251 саҳифадан иборат. Нашриларнинг китоб титул варағида ёзишича, бу асар энг эски қўлёзма асосида нашр этилган бўлиб, асар муаллифининг насиҳатомуз тарзида ёзилган мақолаларидан иборат. Бу асар 1894 йили дастлаб Қоҳирада босилган ва шу нашрдан 1913 йилда олмон тилига таржима қилинган.

Алломанинг «Навобиг ал-калим» («Ҳикматли сўз») деган асари ҳам бор. Бунда унинг ўзи тўқиган мақол, матал каби ҳикматлари жамланган. Асар дастлаб 1772 йилда Лейденда босилган, сўнг 1870 йилда Қоҳирада, 1871 йилда Парижда, 1885 йилда Истанбулда, 1888 йилда Байрутда босилган. Бу асарга Шарқда бир қанча олимлар шарҳ ёзганлар. Али ибн Муҳаммад ал-Қобиндий (1318 вафот этган), Муҳаммад Али ан-Насафий (ваф. 1300), Саъдуддин ал-Тафтазоний (ваф. 1330) кабилар уни шарҳлаганлар. Тафтазонийнинг «Ниом ал-савобиг» («Неъмат бармоғи») деган шарҳ асари 1866 йилда Истанбулда нашр этилган. Асарни Мустафо Исомуддин деган киши турк тилига таржима ҳам қилган.

Замахшарийнинг машҳур асарларидан яна бири «Атвоқ аз-заҳаб» («Олтин ҳалқа») ҳам ахлоққа оид ҳикмат ва ўгит-насиҳатлардан таркиб топган бўлиб, у юз мақоладан иборат. Бу асар ҳам немисча, французчага ағдарилган. 1911 йилда эса Зиҳни афанди (ваф. 1911) уни туркчага таржима этган.

Замахшарийнинг яна бир машҳур асари «Раби ал-аброр» («Баҳор саҳовати»)дир. Бу ҳам адабиётга яқин асар бўлиб муаллиф маъқул топган бир қатор китоблардан танлаб олинган ва одамларга муҳим саналган фикр ва қайдлардан тузилган. Бу асар муҳимлигини пайқаган олим Муҳаммад ибн Қосим ибн Яъқуб (ваф. 1533) уни қисқартирган ва «Равз ал-аҳёр» («Яхшилар боғи») деган ном билан бир таълиф тузган. Унинг бу таълифини Ошиқ Чалабий (ваф. 1571) деган олим туркчага таржима қилиб, ўша даврда ҳукмрон бўлган Салим иккинчига бағишлаган.

Замахшарийнинг «Раби ал-аброр» асари 1875 йилда Қоҳирада босилган. Яна бир асарни Нуриддин Мусавий Шустарий форсчага ағдариб, 1883 йилда Табризда бостирган.

Замахшарийнинг араб ҳикматли сўзлари ва мақолаларини ўз ичига олган асари «ал-Мустақсо фи-л-амсол» («Мақолларни ўрганиш») дир. Бу борада араб мақолларини жамлаган ва «Мажма ал-амсол» («Мақоллар тўплами») асарининг муаллифи ал-Майдоний (ваф. 1124) билан худди Замахшарий бир-бири билан тортишган, баҳолашгандай кўринади. Икки муаллиф ҳам халқ орасида юрган, араб халқ мақолларини жамлаган, бир-бирлари билан юзма-юз келган эди. Ғолиб ўғли Мустафо ибн Иброҳим эса бу асардан фойдаланиб «Зубдат ал-амсол» («Мақоллар қаймоғи») номи билан китоб ёзади.Бу ҳол эса Замахшарий ёзган бу асарнинг таъсири катта бўлганини кўрсатади.

Замахшарийнинг «Аъжаб ул-аъжаб фи шарҳ ломимят ал-араб» («Ломият ал-араб» асарининг энг ажойиб шарҳи) асари араб шарқида машҳур бўлган Шанфаранинг «Ломият ал-араб» деб номланган қасидасининг шарҳи саналади. Бу асар илк бор 1882 йилда Истанбулда нашр этилди.

Замахшарий ёзган шеърларини тўплаб девон ҳолига келтирган. Бу девон қўлёзмалари дунё кутубхоналарида, жумладан Истанбулнинг Сулаймония кутубхонасида мавжуд.

Алломанинг машҳур асарларидан яна бири «Нусҳат ал-мустаънис» — «Қўлбола нусха», бу худди «Чўнтак китоб» дегандай шогирдлар шеърлари, халқ ўртасида юрган ҳикоялар, пайғамбар ҳадислари, яна бир қатор кимсаларнинг асарларидан тупланган парчалардан иборат.

Олимнинг яна бир асари «ал-Қистас фи-л-аруз» («Аруз тарозуси», яъни «Аруз вазни») деган китоби. Бу асар қўлёзма ҳолида сақланиб қолган. Бунда шеърларда келадиган вазнлар ҳақида баҳо этилади.

Алломанинг «Марсия ало Аби Музор», «Девон хутаб» («Хутбалар девони»), «Девон ар-расоил» («Рисолалар девони»), «Девон аттамассул» («Узлаштириш девони») деган қатор асарлари ҳам бор.

Шу билан бирга Замахшарийнинг «Ашарайи мубашшира» («Унта башорат қилинганлар») дея машҳур бўлган саҳобалар ҳаётига тегишли ҳикоялар, «Ровийларнинг исмларига ўхшашликлар», «Мақолалар» ва яна бошқа анчагина асарлари ҳам бўлган.

Хуллас, буюк аллома Маҳмуд Замахшарий ўзлигини ҳар томонлама кўрсата олган, оддий, одми бир кишининг илм-маърифатда нақадар юксак мартабага эришиши мумкинлигини ўзида намойиш қила олган буюк бир инсон эди, халқ наздида ҳам у шундай бўлиб қолади.

Абдусодиқ ИРИСОВ.

Мактаблар ҳаётидан

ЭЗГУ ИШЛАР

Усиб келаётган ёш авлодни миллий истиқлол мафкураси асосида, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидандир. Бу борада пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида амалга оширилаётган ишлар ҳам эътиборга молик. Биз тумандаги 71-ўрта мактабда ҳам бир қатор ибратли янгиликларнинг гувоҳи бўлдик.

Зиё маскани директори, тажрибали муаллима Галина Васильевна Беляеванинг айтишича, мактаб биноси долғали 1937 йилнинг бошларида қурилиб, фойдаланишга топширилган. Ўтган 20 йилдан ортиқроқ вақт ичида илм даргоҳи халқ хўжалигига 2 мингдан кўпроқ ишчи кадрлар етиштириб берди. Бу улкан ишда Галина Васильевнанинг хизматлари беқиёсдир. Бугун унинг кўплаб шогирдлари халқ хўжалигининг барча жабҳаларида баракали меҳнат қилишаётир. 1984 йил Японияниг Хиросима шаҳрида ўтказилган XII Осиё ўйинлари иштирокчилари, спортнинг пистолетда отиш тури бўйича олтин ва бронза медали соҳиблари — Шуҳрат Аҳмедов ва Энвер Осмонов, фидойи муаллималар Флора Исханова, Зубайда Ғаниева, Озода Кариева ва бошқалар Галина Васильевнанинг шогирдлари бўлганликлари билан чексиз фахрланишади.

— 1972 йилда Белорусия давлат педагогика институтининг химия-биология факультетини имтиёзли диплом билан тамомлаганимдан кейин шаҳар марказидаги бир неча техникум ва институтларда ишлаб, тажриба орттирдим, — дейди Галина Васильевна. — Тақдир тақозосига кўра 1982 йилнинг эрта баҳорида серқуёш Узбекистон диёрига келдим. Мени ўша пайтдаёқ 71-ўрта мактабга ишга қабул қилишди. Очиғини айтсам, бошида анча-мунча қийналдим.

Галина Васильевна билан бирга билим масканидаги синф хоналари ва фан кабинетларини кўздан кечирдик.

Мактабда таълим-тарбия ишлари асосан икки сменада ташкил этилган. 32 та фан кабинети, 4 та амалий машғулотлар хонаси, ёзги ва қишки спорт зали, сузиш ҳавзалари, кутубхона, тиббиёт пункти, 500 ўқувчига мўлжалланган ошхона, 2 та таълим устахонаси, компьютер, лингафон, мажлислар хонаси ва стадион ўқувчилар ихтиёрида. Уларнинг ҳаммаси зарур техник воситалар, кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган. Бундан ташқари билим ўчоғида ёш ўлкашунослар, физиклар тўгараклари ҳам мунтазам равишда ишлаб турибди. Толиби илмлар касб сирларини бемалол ўрганишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтиш лозим. Мактаб ўқувчилари ўтган йили спортнинг эркин кураш тури бўйича Москва шаҳрида ўтказилган нуфузли мусобақада муваффақиятли қатнашиб, умумкоманда ҳисобида фахрли иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлишди. Ёш спортчилар айни кунларда Самарқандда ўтказиладиган навбатдаги мусобақаларга қизғин тайёргарлик кўришаяпти. Улар Тошкентга ёруғ юз билан қайтишига ишонамиз.

Ўша куни биз Галина Васильевна Беляева билан узоқ гурунглашдик.

— Қаловини топса қор ҳам ёнади, — дея мароқ билан ҳикоя қилди директор. — «Чевар» устахонасидан арзон баҳода қийқимлар сотиб олдик. Каноп фабрикасидан ип. Ана ўшалардан қизлар ўқитувчилар мураббийлигида турли хил сўзаналар тикиб, ўйинчоғу қўғирчоқлар ясашди. Гулдор рўмолчалар тикишди. Баҳонада улар ҳунар ўрганишди. Биз эса маҳсулотларни сотиб, анчагина маблағ тўпладик ва мактаб жамоаси манфаатига сарфладик. Ўғил-қизларнинг яхши овқатланиши, дам олиши, ўқиб-ўрганиб, бўш вақтларини мароқли ва мазмунли ўтказишлари доимий назоратимизда.

Ўрни келганда, туман ҳокимлиги, ҳомий ташкилотларимизнинг яқиндан ёрдам кўрсатаётганликларини алоҳида таъкидлашни истардим.

Узавтосаноат давлат ассоциацияси (директори Қудрат Парпиев) ҳамда «Нурон» фирмаси ёш авлод таъминоти масаласида маблағни аямаяпти. Ҳар куни эрталаб бу ерга сут, қатиқ, сариёғ ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари мунтазам равишда келтириб турилибди. Масалан, ўқувчиларнинг ёзги таътил пайтида туман ҳокимлиги мактаб биносини тўла таъмирдан чиқаришга яқиндан ёрдам берди. Бундан ташқари кўплаб ташкилот ва бирлашмалар ҳам имкон қадар кўмаклашиб туришибди. Эртанги кун умиди билан яшаяпмиз. Соғлом, баркамол авлодни вояга етказсак, улар биз қўлга киритган мустақиллик пойдеворининг пишиқ, чиройли биносини қуришса, дея орзу қиламиз.

Ҳа, мактаб жамоаси бугун ҳақиқий маънода туб ислоҳотлар даврини бошидан кечирмоқда. Ўқувчилар битириш имтҳонларини тест усулида топиширишаяпти. Одобнома дарсларида эса қадим маънавий меросимиз, одоб-ахлоқ намуналари ўқувчи ёшлар онгига сингдириб борилаяпти. Бу эзгу ишлар ёшлар камолида ўз самарасини беради, албатта.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
«Маърифат» мухбири.

Тасвирларда: мактаб ҳаётидан лавҳалар.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

ТАРИХ КЎЗГУСИ

Наманган вилоятининг Норин туманида халқ таълими ходимларининг тарихий музейи очилди. Деворларга туман маорифи юлдузлари, уруш қатнашчилари, байналмилалчи жангчилар, меҳнат фахрийларининг суратлари қўйилган. Бинога эса миллий безаклар билан яхши ишлов берилган. Бир қатор альбомларда мавжуд 38 та мактаб ва 24 та боғча тарихи акс этган. Шунингдек, бир стендда узоқ йиллар давомида халқ таълими бўлимига мудирлик қилган 12 нафар кишининг исм-шарифлари келтирилган. Музейга ташриф буюрган киши туман маорифининг етмиш йиллик бой тарихи билан танишиши мумкин.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз.

ТИЛ ТАНТАНАСИ

Яқинда Юнусобод тумани Адҳам Раҳмат номидаги 122-мактабда Узбекистон Республикаси «Давлат тили ҳақида»ги Қонунига бағишланган катта тантана бўлиб ўтди. Русийзабон синф ўқувчиларининг ўзбек тилида «Қўғирчоғим», «Ким олади-я, шугинани-я», «Бувижоним келяпти», «Менинг икки онам бор», «Тилга эътибор — элга эътибор» каби шеър ва қўшиқлари ҳам барчага манзур бўлди. Айниқса, 8-»В», «Г», «Д» синф ўқувчиларининг Давлат тилини улуғлашга бағишланган чиқишлари таъсирли бўлди. Тантанада нафақат Давлат тилининг, унга омухта бўлиб кетган миллий рақсларнинг ҳам жозибадорлиги қизалоқ Наргиза Орипова ижросида ҳаммани ҳаяжонга солди.

П. МУРОДОВ.

«ГУЛИСТОН» ЖУРНАЛИ — 70 ЁШДА

ЭЗГУЛИК ЭЛЧИСИ

АВВАЛО, БИР ОЗ ТАРИХ...

«Гулистон» журнали бундан етмиш йил муқаддам — 1925 йилнинг ноябрь ойида илк бор «Ер юзи» номи билан нашр қилинган эди. Худди шу йилнинг 5 октябрь куни «Қизил Ўзбекистон» газетаси қуйидаги мазмунда суюнчи-эълонни чоп қилган:

«Ер юзи» журналининг чиқиши ҳақидаги қарор кучирмаси

Ер юзини кўрсатадурғон суратлик, содда ва ҳар тўғридан маълумот бергувчи журнал.

«Қизил Ўзбекистон» газет идораси мамлакатимизда бўлиб турғон кучларнинг энг яқин ва жонлик иштироки билан октябрь ойининг урталаридан бошлаб ўзбек матбуот дунёсида энг биринчи мартаба «Ер юзи» журнали чиқармоққа қарор қилди.

«Ер юзи» журнали Ғарбдан, Шарқдан ва бутун олам ҳодисаларидан чиройлик, ҳам ўн беш кунда бир мартаба жуда аъло қоғозда, техниканинг сўнг усули билан босилиб тарқатиладир. «Ер юзи»нинг ҳар сонида ёш шоирларимиз ва ҳикоянависларимизнинг замонавий асарлари ёзилиб турадир, мамлакатимизнинг тарихий ва асрий тирикчилигини ўқувчилар кўз олдида ёритмоққа ҳаракат қиладир, жамоат ходимларимизнинг ҳам фаол ишлари билан юртни таништирадир, ҳали бизнинг Ўрта Осиё халқига номаълум бўлган жойлар билан, «қуш учса қаноти қуяр, одам юрса оёғи қуяр» қабилидаги маконларни кенг тасвир этадир, газет ва телеграф хабарларидаги воқеаларни суратлар билан кўрсатадир. Ёшларимиз орасидан санъаткор, журналист (матбуотчилар) чиқармоққа ҳаракатда бўладир, хулоса: ўқувчиларимиз «Ер юзи» журналида истаган нарсаларини топа олурлар».

Мана шундай табаррук маърифий-маънавий ниятларни амалга ошириш учун бел боғлаган янги бир журналнинг кенг тарғиб топишида, мухлисларга эга бўлишида ўша даврнинг энг фозил, энг фаол ноширлари, журналистлари, адиб ва шоирлари ўзларининг беқиёс ҳиссаларини қўшдилар. Уларнинг муборак номларини эслаб ўтайлик: Зиё Саид, Комилжон Алимов (илк бош муҳаррир), Маннон Рамз, Аъзам Айюб, Санжар Сиддиқ, Саиджон Салиев, Элбек, Боту, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Олтой, Тошпўлат Саъдий, Абдулла Алавий...

Шундан кейинги йилларда бу нашрнинг номи бир неча маротаба ўзгариб, «Машъала», «Ўзбекистон қурилишида», «Гулистон» деган номлар билан чоп қилинган. Иккинчи жаҳон уруши авжга чиққан 1942 йилдан бошлаб журнал фаолияти вақтинча тўхтади. Ўша йилларда журналга раҳбарлик қилган Жуманиёз Шарипов, Насрулло Охундий, Воҳид Зоҳидов ва Эминжон Аббос сингари адиб, шоир, олим ва журналистларнинг номи халқ орасида жуда машҳур эди.

1967 йилдан яна эзгу ният, эзгу ном ила жамол очган «Гулистон» халқ қулига бориб етди. Янги мазмун, янгича руҳ билан бойиган журналнинг қайта нашр қилина бошлаши — ўзбек халқи маънавиятида муҳим янгилик бўлди, журнал сонлари мухлислар орасида қўлма-қўл ўқила бошлади. Шу йилларда журнал саҳифаларида ёритилган «Темур тузуклари», «Менинг Доғистоним» (Расул Ҳамзатов) асарлари омма ўртасида катта шов-шувларга сабаб бўлган бўлса, мазкур асарларни чоп этишнинг тўхтатилиши — ўша давр сиёсатидан аянчли бир намуна эди. Таниқли адиблар Асқад Мухтор ва Мирмуҳсин муҳаррирлик қилган йилларда (1969 — 1980; 1980 — 1993) ҳам журнал ўзининг энг ажойиб, халқчил анъаналарига содиқ мазмунда, тафаккурни ҳамиша уйғоқ тутадиган руҳ ва оҳангда чоп этилиб, ўқувчилар қўлига бориб турди.

Суратда: «Гулистон» таҳририяти ходимларининг бир гуруҳи.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 майдаги 248-қарорига биноан республикамизда нашр этилаётган икки журнал — «Гулистон» ва»Нафосат» журналлари негизида «Гулистон» журнали қайта ташкил этилди, 1994 йилнинг январь ойидан бошлаб эса бу нашр ҳар икки ойда бир марта, саккиз босма табоқ ҳажмда, ижтимоий-сиёсий ва бадиий безакли журнал сифатида қайта чоп этила бошланди. Журнал саҳифаларида кўп тармоқли маданият соҳалари, маданий мерос ва миллий қадриятлар, театр, мусиқа, тасвирий санъат ва халқ ижодиёти, маданий-маърифий муассасалар ва ҳаваскорлик дасталари фаолиятлари, қардош халқлар маданияти мураффақиятлари, адабиёт ва санъат муаммоларини ёритишга катта аҳамият берилмоқда.

Энди, қуйидаги баъзи хотираларимни қувноқ оҳангда айтиб берай.

Албатта, ҳар бир ижодкорнинг илк машқлари чоп этилишида воситаи аъмол бўлган нашрлар бор.

Нокамтарликка йўймасангиз, мен ҳам «илк чиқишим»ни эслаб ўтсам.

1979 йил. Мен у пайтда район газетасида хизмат қилардим. Шеърлар ҳам анча тўпланиб қолган, бари кўзимга зўр кўринади. Лекин... Тошкентга йўллашга журъат йўқ. Бир куни, «Йигит ва қиз ҳақида баллада» деган шеъримни (бир дона шеър!) «Гулистон» журналига юбордим.

Шеър кетди.

Бир-икки ой ҳам ўтди.

Бир куни бош муҳаррирнинг нақ ўзидан жавоб келиб турибди! Уша хатнинг мазмуни ҳали-ҳозиргача сўзма-сўз, ҳарфма-ҳарф эсимда:

«Ҳурматли М. Аҳмедов!

Шеър маъқул. Чоп қилиш учун мулжаллаб қўйдик, фақат сал кейинроқ.

Салом билан Асқад Мухтор».

Асқад Мухтор! Бош муҳаррирнинг ўзи, мана, салом йўллабди! Шеърингизни чиқарамиз дебди, фақат сал шошилмай туринг дебди!

Бу орада ёз ўтиб, куз келди. Ҳарбий хизматга чақиришди. Шеърим чиққунча вақт ўтсин дедим-да, ҳарбий хизматга жўнавордим...

Шу кунлари уйдан, уй томонлардан келган бир хатда мен учун азиз бўлиб қолган одам ёзади: «Журналда шеърингиз чиқди. Мангитликларнинг ҳаммасининг оғзида шу гап. Бу ғалабангиз билан табриклайман!» Ана...

Чиндан ҳам, «Гулистон»да шеърим (қаттагина балладам) чиқиши — катта ғалаба эди.

Бир-икки йилнинг ичида ўзим ҳам Тошкентга кўчиб келиб яшай бошладим, уёқ-буёқда шеърларим чиқиб, матбуотда кўриниб қолдим. Бироқ, ўша биринчи ғалабанинг завқини ҳали-ҳануз унутмайман. Бу табаррук нашрдан кейинчалик ҳам қўл узиб кетганим йўқ. «Шарқ юлдузи» журналида ишлаб юрган йилларимда ҳам гоҳ таржима, гоҳ мақола билан «Гулистон»да қатнашиб турдим. Мирмуҳсин домла, Оқилжон ака, Муҳаммадали ака, Эргаш ака, Уктамжонлар ҳам устоз, ҳам қадрдон бўлиб қолди, буюртмалар беришди, ёзганларимни таҳрир қилишди, хуллас, эътиборларини аямадилар.

Буни қарангки, ҳозирги вақтда шу журналнинг ходими бўлишдай бахтга мушарраф бўлиб турибман! Биз — янги ва ҳамиша севимли «Гулистон»нинг ходимлари, Ватанимиз, халқимизнинг миллий тараққиёти, маънавий юксалиши йўлида бор истеъдодимиз, маҳоратимиз, билимимиз ила хизмат қилишга қамарбастамиз. Ўзининг 70 йиллигини нишонлаётган «Гулистон» халқ маънавиятининг, салоҳиятининг сарчашмасига айланган экан, бу сарчашма ҳеч қачон қуримайди. Бунга шубҳа йўқ!

Музаффар АҲМАД,
«Гулистон» журналининг бўлим муҳаррири.

ҲАМИША ХАЛҚЧИЛ

Мен оддий ўқитувчиман, маориф соҳасида 8-10 йилликкина тажрибаларим бор, холос. Лекин дарс ўтиш чоғида, айниқса, бошланғич синф ўқувчилари билан ўтказиладиган машғулотларда матбоут материалларини ўқиб-ўрганганларим ҳам нечоғли асқотишини билиб-сезиб тураман. Айниқса, азиз ўқувчиларим қалбида Ватан туйғусини, дўстлик, аҳиллик, билимга интилиш ҳисларини уйғотишда турли хил суратлардан кўргазмали қурол сифатида фойдаланишим яхши самара беради. Бунда менга қўл келадиган ва энг мақбул нашр бу — «Гулистон» журналидир.

«Гулистон» ташкил қилинганига бу йил 70 йил тўлибди. Журнал ходимларини, халқимизни бу қутлуғ байрам билан қутлар экан-ман, икки оғиз дил истакларимни ҳам айтиб ўтмоқчиман. Истагим шуки, «Гулистон» саҳифаларида ҳам миллий тарбия, умумий таълим, мактаб ҳаётига оид ўткир, ижтимоий, салмоқли мақолалар изчил ёритиб борилса, муддаодаги иш бўлар эди. Зеро, мустақил Ватанимизнинг асл фарзандларини тарбиялаш ҳаммамизнинг ишимиздир.

Маҳфуза РИЗАЕВА,
Тошкентдаги 204-мактабнинг 1-тоифали ўқитувчиси.

●

ЭҲТИРОМ

«Гулистон» — мен севган журналлардан ҳисобанади. У ўзбек санъати, мусиқачилигини тарғиб қилишда ҳамиша катта ўрин эгаллаб келди. Бу беминнат хизматни журнал ҳозир ҳам сидқидилдан бажармоқда.

Журнал саҳифаларида эълон қилинаётган мусиқага оид мақолалар ҳам, санъаткорлар сурати ҳам талабаларга ибрат ва илҳом бағишлайди. Шундай экан, «Гулистон» — бизнинг журналимиз, унинг 70 ёшлик маъракаси — бизнинг ҳам байрамимиздир.

Байрам барчага муборак бўлсин!

Пўлат ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Тошкент давлат педагогика институти ўқитувчиси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

Т.Н.ҚОРИ-НИЁЗИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

1995 йилга ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда ўқиш учун қуйидаги ихтисослар бўйича аспирантурага қабул эълон қилади:

— педагогика назарияси ва тарихи;
— мактабгача тарбия назарияси ва усулиёти;
— бошланғич таълим назарияси ва усулиёти;
— ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш назарияси ва усулиёти;
— тарих ўқитиш назарияси ва усулиёти;
— кимё, биология ўқитиш назарияси ва усулиёти;
— география ўқитиш назарияси ва усулиёти;
— бадиий-мусиқий таълимни ўқитиш назарияси ва усулиёти;
— жисмоний тарбия, спорт машғулотлари ва соғломлаштирувчи жисмоний тарбия назарияси ва усулиёти;
— рус мактабларида ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш назарияси ва усулиёти;
— рус тили ва адабиёти ўқитиш назарияси ва усулиёти;

Аспирантурага кирувчилар ихтисослик фани, фалсафа ва чет тилларнинг биридан олий ўқув юртлари учун амалдаги дастур ҳажмида кириш имтиҳонларини топширадилар.

Танлов имтиҳонларига ихтисос бўйича камида икки йил амалий иш тажрибасига эга бўлганлар, шунингдек, бевосита олий ўқув юртини битирган ёш мутахассислар фақат олий ўқув юрти (факультети) олимлар кенгаши тавсиясига кўра қўйиладилар. Аспирантурага ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда 30 ёшгача, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда 35 ёшгача бўлган мутахассислар қабул қилинади.

Аспирантурага қабул қилиш тўғрисидаги институт директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади: кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, таржимаи ҳол, илмий мақолалар рўйхати ёки реферат, бевосита олий ўқув юртини битиргандан сўнг аспирантурага тавсия этилган шахслар учун олимлар кенгаши йиғилишининг қайдномасидан кўчирма, меҳнат дафтарчаси, 2 дона сурат (3х4 ёки 5х6 см. ҳажмда), номзодлик имтиҳонлари топширилган бўлса, белгиланган шаклдаги гувоҳнома.

Ҳужжатлар эълон чиққанидан сўнг 10 кун давомида қабул қилинади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700003, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 174—уй, ЎзПФИТИ, Аспирантура бўлими.

Ўзбекитсон Республикаси Халқ таълими вазирлиги

Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти 1995 йил учун докторантурага (13.00.02) — физика, математика, информатика, меҳнат, тарих ва бошқа фанларни ўқитиш назарияси ва методикаси бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда докторантурада ўқиш учун 40 ёшгача бўлган фан номзоди қабул қилинади.

Докторантурага кирувчи шахслар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

1.Директор номига ариза.

2. Ходимларни ҳисобга олиш варақаси (расм билан) ва таржимаи ҳол.

3. Докторлик диссертациясининг кенгайтирилган режаси ва тадқиқот мавзуи бўйича илмий маъруза.

4. Матбуотда эълон қилинган илмий ишлар, ихтиролар ва илмий тадқиқот ишлари бўйича ҳисоботлар рўйхати (форма бўйича).

5. Иш жойидан тавсиянома.

Ҳужжатлар эълон чиққанидан сўнг 10 кун давомида қабул қилинади.

Манзилимиз: 700003, Тошкент шаҳри, Олмазор кучаси, 174-уй. УзПФИТИ. тел. 45-56-59.



Юз кўзидан соғлик, гўзаллик уфуриб турган жажжи болакайларни курганимизда кунглимизга чексиз қувонч инади. Келажагимиз янада ёрқин, янада шукуҳли бўлишига яна бир карра ишончимиз ошади. Жажжи фарзандларимизнинг соғлом ва дуркун ўсишлари учун қайғуриб, юғуриб-елиб юрган инсонларга беихтиёр меҳримиз ортади. Пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек туманига қарашли 347-болалар боғчасида ҳамшира бўлиб ишлаётган Гулшара Нагмедова ҳам ана шундай эл ардоғига тушган, жонкуяр юртдошларимиздан биридир. У ўзининг меҳнатсеварлиги, ўз касбига бўлган меҳр-муҳаббати туфайли бир неча марта туман халқ таълими бўлимининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

Суратда: ҳамшира Гулшара Нагмедова ширинтой боғча болалари билан.

Х. МИРЗАКАРИМОВ олган тасвир.

Спорт

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ

Соғлом авлодни тарбиялашда жисмоний тарбия ўқитувчиларининг амалга ошираётган ишлари аҳамиятини изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Умумий таълим мактаблари ва ҳунартехника билим юртларида ижодий меҳнат қилиб, яхши самараларга эришаётган ўқитувчилар сафи ортиб бораётир. Хива шаҳрида бўлиб ўтган жисмоний тарбия ўқитувчиларининг Республика VII касб-кор ижодий танловида ана шундай изланувчан педагоглар ўз маҳоратларини намойиш этишди.

— Бу муросасиз беллашувларда республикамизнинг турли вилоятларидан келган ўқитувчилар қатнашди, — деди биз билан суҳбатда Халқ таълими вазирлиги жисмоний тарбия ва спорт бўлими бош назоратчиси Марат Шокиров. — Қизғин курашлардан сўнг ғанлов ғолиблари ва совриндорлар аниқланди. Хоразм вилоятининг Шовот туманидаги мактаб ўқитувчиси Т. Отажонов биринчи, Наманган туманидаги 27-мактаб ўқитувчиси Ш. Кенжаев иккинчи ўринни эгаллашди. Учинчи ўринлар эса Тошкент шаҳридаги 197-мактаб ўқитувчиси О. Хлестов ҳамда пойтахт вилоятининг Бекобод туманидаги 10-мактаб ўқитувчиси К. Ҳайдаровга насиб этди.

Ҳунар-техника билим юртлари жисмоний тарбия ўқитувчилари ўртасидаги баҳсларда Бухоро шаҳридаги енгил саноат лицейи ўқитувчиси Т. Яфарова танлов ғолиби бўлди. Тошкент шаҳри вакили И. Алимбоев иккинчи, Андижон вилоятининг Избоскан туманидаги 29-ҳунар-техника билим юрти ўқитувчиси Б. Хуммирзаев учинчи ўринни олди.

Хива шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли спорт мажмуида танловни ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратиб берилганлигидан меҳмонлар мамнун бўлишди.

Мактаб ва ҳунар-техника билим юртлари жисмоний тарбия ўқитувчиларининг танлови намунавий чиқишларида ҳам жойларда ижодий иш олиб борилаётганлигини яққол намойиш этди. Жумладан, Сурхондарё вилоятининг Денов туманидан келган ўқитувчи Т. Қобулов тавсия этган машқларни спорт залларига эга бўлмаган қишлоқ мактабларига тавсия этса булади.

Жисмоний тарбия ўқитувчилари танлови республикамизда спорт-соғломлаштириш ишларини такомиллаштиришда олға қўйилган қадам бўлиб қолиши, шубҳасиз.

Ғ. МИРЗО,
мухбиримиз.

МАКТАБДА «САОДАТ» ТАНТАНАСИ

Нафақат аёлларнинг, балки уларга доимо ҳамроқ бўлган асл эрлар учун ҳам доимо севимли бўлган «Саодат» журнали 70 ёшга тўлди. Шу қутлуғ сана муносабати билан Тошкент шаҳар А.Икромов туманидаги 297-мактабда тантанали кеча бўлиб ўтди. Унда республика Вазирлар Маҳкамаси хотин-қизлар бўлимининг мудири Ойниса Мусурмонова, Тошкент шаҳар ҳокими муовини, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси Фарида Абдураҳмонова, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси кадрлар бўлими бошлиғи Баҳодир Абдуллаев, А.Икромов тумани ҳокими Осимхон Алихўжаев, шу туман ҳокими муовини, хотин-қизлар қўмитаси раиси Адолат Носирова, А.Икромов тумани халқ таълими бўлими мудири Шукрулло Икромов ҳамда «Саодат» журнали жамоаси вакиллари иштирок этдилар.

Осимхон Алихўжаев «Саодат» жамоасини улуғ сана билан табриклаб, журнал доимо энг илғор, давр билан ҳамнафас бўлиб келганлиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Тантана иштирокчилари «Саодат» шаънига илиқ сўзлар айтишиб, журнал ижодкорларининг жасорат ва мунислик қоришиқ фаолиятларида муваффақиятлар тилашди.

297-мактабнинг иқтидорли, тажрибали, зукко ва изланувчан ўқитувчиларидан Муборак Сатторова, Муҳайё Раҳимова, Ноила Ишмуҳамедова, Холида Валиева, Нилуфар Алимовалар ижросидаги Дилфуза Шомаликова қаламига мансуб «Бахт нима?» деб номланган саҳна кўриниши йиғилганларнинг қалбида узоқ муҳрланиб қолди, десак муболаға бўлмас. Чунки улар «Саодат»нинг чинакам муштарийлари бўлибгина қолмай, ҳар бирлари ижодкор сифатида ҳам аллақачон мактаб жамоасиничг назарига тушганлардан саналади.

Шунингдек, мактабнинг сергайрат, иқтидорли ўқувчиларидан Ш.Муслимов, М.Жўраева, Н.Ибодова, М.Мирҳидоятова, Б.Исматуллаева, Н.Турсунова, И.Азимова, М.Орипова кабилар адабиёт ва санъатга ўта иштиёқманд эканликларини маҳорат билан намойиш этишди.

Ўзбекистон халқ артисти Ортиқ Отажонов, Ҳожиакбар Ҳамидов, раққосалар Феруза Солиҳова, Рушана Султоноваларнинг чиқишлари кечани янада файзли қилди.

«Саодат» ойномасининг узоқ ўтмишдан то бугунги кундаги фаолияти ҳақида ёзувчи Дилбар Саидова мароқ билан сўзлаб берди. Яна сўзга чиққан ижодкорлардан ёзувчи Қутпи Носирова, Зулфия Муминова, Гулжаҳон Мардоновалар ўзларининг иш фаолиятлари ҳақида ҳикоя қилдилар.

Кеча сўнгида Баҳодир Абдуллаев сўзга чиқиб, «Саодат»нинг бир гуруҳ ижодкорларини улуғ сана билан муборакбод этди ҳамда уларга фахрий ёрлиқлар ва қимматбаҳо совғалар топширди. Шунингдек, ушбу байрам — кечани ташкил этишда «Ўрикзор» маҳалласи (раисаси Раъно Қосимова) фаолларига, 297-мактаб жамоасига, шу мавзедаги 591, 603-болалар боғчалари раҳбарлари ва жамоаларига миннатдорчилик билдирди.

Сайёра ЁҚУБЖОН қизи,
журналист.

Янги китоблар

МАЪНАВИЯТГА ҲИССА

Кўксига озодлик шамоли теккан юртимиз фарзандлари илғор дунёвий ва синашта миллий қадриятларга таянган маърифатга интилмоқда. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни ва унинг бош таҳририяти, маълумингизки, анча йиллардан буён «Истиқлол фидойилари» туркумини барча мавжуд қийинчиликларга қарамай изчил чоп этиб келаётир. Қуйида янги нашрдан чиққан китоблар билан таништирамиз.

Бегали ҚОСИМОВ. «МАСЛАКДОШЛАР». Уч буюк маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий, Сиддиқи-Аздий ва Абдуруф Фитратларнинг маслак жиҳатдан, муҳит таркибидан муштарак, кечмиш сифатидан бетакрор ҳаётларидан ҳикоя қилувчи бу китоб учала аллома ҳақида ҳам янги маълумотлар ва талқинларга бой, қизиқарли ва ширали тилда ёзилган.

Улуғбек ДОЛИМОВ. «ИСҲОҚХОН ИБРАТ». Биз, барчамиз Исҳоқхон Ибрат ҳақида жуда кам нарсаларни биламиз. Фидойи ва тиниб тинчимас маърифатпарвар ҳаёти ва ижоди билан яқиндан танишишни истасангиз, ҳалигача ҳеч қаерда чоп этилмаган асарларидан айрим намуналарни ўқимоқни хоҳласангиз мазкур рисолага мурожаат этинг.

Хуршид ДАВРОН. «СОҲИБҚИРОН НАБИРАСИ». Истеъдодли шоир Хуршид Даврон-нинг тарихий-маърифий мавзудаги бадиа ва мақолалари элимизга манзур бўлган асарлар сирасига киради. Бу китобга адибнинг «Тугалланмаган достон ёхуд Бибихоним қиссаси», «Амир Темур ўғлининг ўлими» ва «Митти юлдуз ёки соҳибқирон набираси» асарлари киритилганки, мабодо у билан танишсангиз Амир Темурга суюкли завжа, севимли ўғил, муносиб набира бўлмоқ шарафининг мазмунини англаб етасиз, ҳикматдан баҳра оласиз, буюк маданиятимиз ва комил маърифатимиз тарихига оид янги маълумотларга эга бўласиз.

Бундан ташқари босмахонамизда Шариф Юсуповнинг «Худоёрхон ва Фурқат» маърифий рисоласи, журналист Алимқул Султонов тўплаган «Ғаройиб олам» қизиқарли қомуси ва ёш ёзувчи Тўхтамурод Рустамнинг «Ғаройиб мактуб» қисса ва ҳикоялар китоби ҳам нашр этилиш арафасида турибди.

Ҳурматли ўқитувчилар, маориф ташкилотчилари ва мутасаддилари, ота-оналар ушбу китобларни ўқиб чиқсалар фойдадан холи бўлмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти.

Тошкент вилояти Тошкент туманидаги Навоий номли 6-ўрта мактаб томонидан ТОШМУҲАМЕДОВ Дилшод Абдупатахович номига 1993 йил 21 июнда берилган 272300 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги етуклик аттестати йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ТУЗАТИШ

Газетамизнинг шу йил 1 ноябрь сонида берилган «Халқ таълими вазирлиги ҳайъати йиғилишида» мақоласининг охиридан юқоридаги 3-хатбошисининг иккинчи жумласи «1995-1996 ўқув йили бошига қадар 72 номдаги дарсликлар нашр этилди, мактабларга эса 62 номдагиси етиб борди», деб ўқилсин.

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 230-ўрта мактаб жамоаси шу мактаб ўқитувчиси Қилирбой Тулебоевга қизи ГУЛСУМнинг вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ректорати, жамоат ташкилотлари ҳамда педагогика кафедраларининг жамоалари «Умумий педагогика» кафедрасининг доценти Абдураҳим ЮНУСХЎЖАЕВ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик изҳор қилади.

«МАЪРИФАТ»

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кучаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кучаси, 41-уй.
Навбатчи:Жўрақул Искандаров.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0509. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.